

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ
«ҲУҚУҚШУНОСЛИК» КАФЕДРАСИ

Битирув малакавий иши

Мавзу: Вояга етмаган шахсларга жиноий жазо тайинлаш муаммолари.

Бажарди: юриспруденция йўналиши 4-курс
403– гуруҳ талабаси Агаликов
Санжар.

Илмий рахбар: “Ҳуқуқшунослик” кафедраси
ўқитувчиси М. Исроилов.

НАМАНГАН-2012

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3-9
I Боб. Мамлакатни демократлаштиришда суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш масалалари.....	10-14
II Боб. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш ва уларга жазо тайинлаш хусусиятлари.....	15-24
III Боб. Вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жазо тайинлаш.....	25-55
1-§. Жазо тизими ва турлари.....	25-48
2-§. Вояга етмаганларга жазо тайинлаш.....	49-55
IV боб. Вояга етмаганларга тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш хусусиятлари.....	56-60
ХУЛОСА.....	61-63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	64-68

Аннотация

Ушбу битирув малакавий ишида вояга етмаган шахсларга жиноий жазо тайинлаш муаммолари ёритиб берилган. Тадқиқотда вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш ва уларга жазо тайинлаш хусусиятлари, вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жазо тайинлаш ва вояга етмаганларга тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш хусусиятлари ўз ифодасини топган.

К И Р И Ш

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, авваламбор ҳар бир фуқаро учун нормал яшаш шароитларини яратишга, давлат хавфсизлигини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги шубҳасиздир. Шунингдек, мамлакатимизда ёшларга оид қатор дастурлар қабул қилинган. Уларнинг асосий мақсади - баркамол авлодни тарбиялаш ва келажақда давлатимизни янгича фикрлайдиган, интилувчан ёшлар орқали ривожлантиришдан иборат. Ёшлар билан ишлаш алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу борада президентимиз И.А. Каримов: "Биз мамлакатимизнинг истиқболини ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз керак"¹, - деб таъкидлаб ўтган.

Ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ўзбек халқининг мустақиллик йилларида эришган буюк ютуқларидан биридир. Давлатнинг бу даврдаги ҳуқуқий қурилиши Президентимиз И.А.Каримовнинг "Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламайдиган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Республиканинг барча аҳолиси манфаатларини таъминлашга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлгандагина туб ўзгаришларнинг кучли ижтимоий асослари яратилади. Ўзбекистоннинг ёрқин келажагига ишонч уйғотилади"² деган сўзларига асосланади. Булардан келиб чиқиб, республикада долзарб ва у қадар енгил бўлмаган янги ҳуқуқий қонунчилик асосини яратиш вазифаси вужудга келди. "Қонун - бу ижтимоий ҳаётни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси бўлиб қолиши керак. Бунинг учун биз чуқур ўйлаб ишланган, ҳар томонлама асосланган, узоқ муддат амал қиладиган қонунларга эга бўлишимиз керак".³ Бу масалалар бўйича тарихан қисқа муддат ичида кўпгина ҳуқуқ соҳаларида ижобий мувофақиятларга эришилмоқда.

Жиноятга, жиноятчиликка қарши курашиш ҳар қайси даврда, ҳар қайси давлатда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Давлатнинг, жамиятнинг раванқ топиши кўп жиҳатдан ҳуқуқий давлатга хосдир. Фуқароларнинг тинч-тотув яшаётганлиги шу давлат қонунчилиги мустаҳкам эканлигини билдиради.

Давлатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар давлат ва жамиятнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш механизмини янада кучайтиришга қаратилгандир.

Республикаимизда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида бир қанча ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 1994 йил 22-сентябрда қабул қилинганлиги, бу давлатнинг жиноятга, жиноятчиликка қарши курашишда асосий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси Умумий қисмида вояга етмаганлар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари берилиб, вояга етмаган жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлиги вояга етган шахсларникига нисбатан фарқ қилади. Суд томонидан вояга етмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганларнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароитини ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноят сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади. Шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо турлари ҳамда уларнинг муддат ва миқдорлари ўртасида ҳам фарқ қилади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон. 1999. – Б. 23.

² Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида". Т."Ўзбекистон". 1995.–Б.18..

³ Каримов И.А. "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида". Т. "Ўзбекистон" 1995. -Б.20.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги эртанги кун жиноятчилигининг кўзгусидир. Республикамиз аҳолисининг 44 фоизини вояга етмаганлар ташкил қилиши, улар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини ўрганиш долзарб эканлигини яна бир бор намоён қилади.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда, ишлаб чиқариш ва истеъмол бозори имкониятининг қисқариб бориши, инфляция ва нархларнинг доимий равишда ошиб бориши Ўзбекистон аҳолисининг даромади ва мулкӣ белгиларига кўра қатламланишига, фуқаролар, ва айниқса вояга етмаганлар ҳаётига жиддий равишда таъсир қилмоқда. Жамиятда ижтимоий танглик ҳолатининг ўсиши айрим соҳалардаги инқирозларнинг чуқурлашиши, биринчи навбатда, аҳолининг энг кам ҳимояланган қатламларига, ва аввалам бор болалар ва ўсмирларга таъсир қилди. Бунинг натижаси сифатида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни кўришимиз мумкин. Республика бўйича 1998 йилда судланган вояга етмаганлар умумий судланганларнинг 3,6% ини, 1999 йилда 3,9% ни, 2000 йил 4,0% ни, 2001 йил 3,4%, 2002 йил 4%, 2003 йил 3,4%, 2004 йил 3,2%, 2005 йилга келиб эса 3,5%ни ташкил этган. Жами вояга етмаган судланганларнинг ўрта ҳисобда 37 фоизини 14-16 ёшдагилар, 63 фоизини 17-18 ёшдагилар ташкил қилади¹.

Жамиятда шаклланган ва республикада вояга етмаганлар жиноятчилигини тавсифлайдиган криминоген вазият микдор ва сифат жиҳатдан ўзгарди. Сўнгги йилларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг аксариятини ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш (66% атрофида) ташкил этиши бу тоифадаги шахсларнинг моддий ва маънавий қадриятларга муносабати жиддий ўзгарганлигидан далолат беради, бу эса мамлакатда ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан боғлиқдир. Аммо давлатнинг вояга етмаганлар жиноятчилиги билан курашиш ва уларнинг олдини олиш тизими соҳаси мукаммал эмаслиги ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Турли мамлакатларнинг қонунларида ёшларни ҳуқуқий ҳимоялашни назарда тутувчи махсус нормалар мажмуи мавжуд. Ҳар қандай ривожланган демократик давлат ўз фуқароларининг фаровон ҳаёт кечириши учун яхши ижтимоий-иқтисодий шароит яратишга интилади, жамиятни жиноятчилик каби салбий ҳодисадан муҳофаза қилишга ҳаракат қилади. Бу биринчи навбатда вояга етмаганларнинг жиноятчилигига қарши кураш, жумладан жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали курашда ифодаланади.

Янги демократик жамиятда жазо "... шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш... фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва уни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш..."² воситасига айланиб бормоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда жазо хусусиятининг тубдан ўзгаришига олиб келувчи омил бўлиб ҳисобланади. Жиноят содир этган вояга етмаганларга тайинланадиган жазолар эса, биринчи навбатда уларни тарбиялаш ва жамиятга қайтириш мақсадига қаратилган бўлиши лозим.

Жиноятчиликка қарши курашда жиноят ҳуқуқий воситаларнинг самарадорлиги қонун нормаларини қўллашни ташкиллаштаришга (жазо тайинлаш ва уни ижро этиш), шунингдек, қўлланаётган қонуннинг қай даражада мукамаллигига боғлиқдир.

Юқорида айтилганлар умуман суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва хусусан жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўналишига ўз таъсирини ўтказди ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатини таъминлашнинг асосини ташкил қилади.

Юқорида зикр этилганлар республикада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш, уларга тайинланаётган жазоларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги роли, жазо тайинлашда инобатга олиниши лозим бўлган ҳолатлар ва уларнинг аҳамияти, вояга етмаганларга тайинланиши мумкин

¹ Исмаилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг индивидуал профилактикаси. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган битирув малакавий иши автореферати. -Т.: ТДЮИ, 2006. Б. 3.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва гинчлик учун курашмоқ керак. -Т.: Ўзбекистон, 2002. 28 Б.

бўлган жазо тизими ва турлари, жиноят содир этганларга нисбатан жазо тайинлаш муаммоларини ўрганишнинг долзарблигидан далолат беради.

Битирув малакавий ишининг илмий – назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ташкил этади¹. Чунки республиканинг мустақиллиги шароитида давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиётига асос бўладиган муаммолар илк маротаба ана шу асарларда назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ қилиниб келинмоқда.

Битирув малакавий ишининг илмий-услубий ишланганлиги

Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда тарихий, тадрийжий, қиёсий, тизимли, меъёрий, мантиқий ёндашиш услублари танлаб олинди. Бу услубларда, биринчидан, вояга етмаганларга нисбатан жиноий жазо тайинлашнинг тушунчаси, турлари ҳамда умумий асослари режалаштириладиган бўлди. Иккинчидан, вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашнинг ҳуқуқий асослари қонунийлик принципига ҳамда жиноий жазоларни либераллаштиришга мос ҳолда қонун ҳужжатларида қайд этилиши белгиланди.

Ушбу мавзунини бир қатор давлатимиз ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқшунос олимлари, жумладан:

Битирув малакавий иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммосини Г.С.Гаверов, М.М.Бабаев, И.И.Карпец, Г.Ф.Поленов, В.Н.Антонян, В.Т.Кондрашенко, Г.И.Забрянский, Л.С.Яник, А.И.Коршён, А.И.Марцев каби ҳуқуқшунос олимлар ўрганганлар, бироқ ушбу тадқиқотлар бошқа ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларда олиб борилган бўлиб, ҳозирга кун талабига жавоб бермайди. Уларда асосан жиноятчиликка қарши курашнинг собиқ иттифок давридаги криминологик ва жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари акс этирилган. Ўзбекистонда М.Ҳ. Рустамбаев, И.С. Юсупов, И.М. Собиров, Ф. Тохиров вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларини, З.С.Зарипов, Б.А.Арифжанов, М.Л.Саттарова, У.Абдуганиев вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик жиҳатларини таҳлил қилганлар. Бироқ мазкур муаммога тегишли масалаларнинг анчагинаси, хусусан вояга етмаганларга жазо тайинлаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни нуқтаи назаридан илмий ўрганилиши зарурати мавжуддир.

Битирув малакавий иши мақсади - вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш амалиётини такомиллаштириш, вояга етмаган жиноятчиларга қўлланиладиган жазо тизимининг самарадорлигини ошириш муаммоларини кўриб чиқиш ва ўрганиш, шунингдек, вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни қўллаш юзасидан келиб чиқадиган масалаларни тадқиқ этишдан иборатдир.

Битирув малакавий иши вазифалари:

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008 йил. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”. 2005. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. Ўзбекистон. 2009. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс этириш. Тошкент. Ўзбекистон. 2009. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза). 2010 йил 27 январь. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. (2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2010 йил 29 январь. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», 2011, “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исломи Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2012 йил 19 январь.

- вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг ҳолати ва динамикасини тадқиқ этиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- жазо тайинлашнинг умумий асослари ва вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзаро муносабатини таҳлил қилиш;
- вояга етмаган жиноятчиларга жазо тайинлашда инобатга олинадиган ҳолатларни ўрганиш;
- вояга етмаган жиноятчиларга оғир жазо турларини (айниқса озодликдан маҳрум қилиш жазосини) тайинлаш билан боғлиқ бўлган салбий ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикаси ЖК 81- моддасида назарда тутилган жазоларнинг моҳияти ва мазмунини ҳар томонлама тадқиқ қилиш;

Битирув малакавий иши объекти ва предмети. Битирув малакавий ишининг объекти вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилиши муносабати билан вужудга келадиган жиноят-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Битирув малакавий иши предметиға вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўзига хос хусусиятлари, вояга етмаган жиноятчиларга мўлжалланган жазо тизими ва турлари, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликнинг жиноят ҳуқуқий нормалари киради.

Битирув малакавий ишининг тузилиш

Ишнинг Кириш қисмида тадқиқ қилинаётган мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифаси ёритилган.

Малака ишининг биринчи бобида, Мамлакатни демократлаштиришда суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш масалалари ёритилган.

Ишнинг иккинчи боби, Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш ва уларга жазо тайинлаш хусусиятларига бағишланган бўлиб, параграфлар асосида батафсил таҳлил қилинган.

Ишнинг учинчи боби, Вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жазо тайинлашга бағишланиб, у параграфлар асосида баён этилган.

Малака ишининг тўртинчи бобида, Вояга етмаганларга тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш хусусиятлари ёритилган.

Битирув малакавий ишининг Хулоса қисмида, муаллиф томонидан мавзуни тадқиқ қилиш жараёнида юзага келган фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида, мавзуни тадқиқ қилишда назарий асос ва манбаа сифатида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган.

I Боб. Мамлакатни демократлаштиришда суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш масалалари

“Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айтиқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этиладиган, айнан шу кадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик.

Албатта, ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи рол ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.

Биз қабул қилган, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш дастурида белгиланган улкан ва кенг кўламли вазифаларни қисқа вақт мобайнида, яъни бир йил давомида амалга ошириб бўлмаслиги барчамизга яхши аён. Шу маънода, бу олижаноб мақсад давлатимиз ва бутун жамиятимизнинг доимий ва узоқ истиқболга

мўлжалланган устувор вазифасига айланиши ва ҳамisha эътиборимиз марказида туриши лозим.

Кўлами ғоят кенг бўлган ушбу дастур доирасида бажарилган барча ишларни битта маърузада қамраб олиш қийин, албатта, унинг ижроси ҳақида йил якунига бағишлаб жойларда ва марказда бўлиб ўтадиган йиғилишларда атрофлича фикр юритилади. Мен бу ўринда фақат 2010 йилда “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Авваламбор, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бу борада, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, 600 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга вояга етмаган болаларнинг жиноий муҳитга тортилишининг олдини олиш мақсадида ёшларга мўлжалланган турли хил ҳордиқ чиқариш муассасалари раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларнинг ўрнатилган нормаларга риоя қилиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан аҳоли, биринчи навбатда, ўқувчи ва талабаларга замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона, авваламбор интернет хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида” ги қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шулар қаторида “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилиниши албатта катта аҳамият касб этади. “Алкогол ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида” ги қонуннинг яқин кунларда қабул қилиниши соғлом авлодни шакллантиришда, уларни болалик давридан бошлаб саломатликка путур етказадиган зарарли одатлардан ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз”¹.

“Мамлакатимизнинг узок ва давомли манфаатлари тақозо етган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади”².

“Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас”¹.

“Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилдир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. Ўзбекистон. 2009. –Б. 4.

¹ Каримов И.А. “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2012 йил 19 январь.

ҳоқимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди.

Ушбу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, 2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини ишонч билан таъкидлаш лозим².

Мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди.

Айтиш керакки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чора-тадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Ишончим комил, хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни қамаш шарт эмас - бу давлатга жуда қимматга тушади, қолаверса, бундай жазо тури маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал қилмайди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ қамайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир.

Маълумки, Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани албатта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Полшада 5 та, Белгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // «Халқ сўзи». 2010 йил 13 ноябрь. –Б. 17.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар қўрилганини таъкидлаш лозим.

Бу борада "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида камокқа олишга санкция бериш ҳукуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал кадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам бунга яққол тасдиқлаб турибди"¹.

II Боб. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш ва уларга жазо тайинлаш хусусиятлари

«Бола, у жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолатга етмаганлиги туфайли, махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражада ҳуқуқий ҳимояга муҳтож»². Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда мустаҳкамланган, ушбу халқаро ҳуқуқий қоида ватанимиз қонун ижодкорлари томонидан мутаносиб равишда қабул қилиниб, айтиш мумкинки, 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш ва жазони индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш халқаро ҳуқуқ асослари сифатида ёритилган.

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясида сўзга чиқиб, таъкидлаганларидек, «бизнинг жиноят қонунчилигимиз, инсонийлик тасаввурларини раҳбарликка олиб жиноят қилган вояга етмаганларга қатор енгилликларни назарда тутди»³. Яна Президентимиз айтиб ўтдиларки, «ёшлар орасидаги жиноят — кўпинча улар тарбиясидаги жиддий камчиликлар натижаси бўлиб, уларга биз, катта ёшдагилар жавобгармиз. Айнан шунинг учун, ҳам маънан, ҳам ахлоқан шахс сифатида шаклланмаган, жиноят содир этган ёш инсонни қайта тарбиялаш, уни жамиятга қайтариш — ҳар биримизнинг ва давлатимизнинг олдида турган муҳим вазифадир».

"Қанчалик қайғули туйилмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бироқ ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жиноий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислохотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз бермоқда. Айни шу ҳол ислохотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузимда давлат томонидан тортиб олинган бойлик энди уни яратган ва ўз меҳнати билан қўпайтираётганларга тегишли

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // «Халқ сўзи». 2010 йил 13 ноябрь. —Б. 18.

² Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44/25-сонли резолюциясига асосан қабул қилинган ва имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очик деб эълон қилинган., 1990 й. 2 сентябрдан кучга кирган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 й. 9 декабрдаги 757-ХП-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қўшилган, Ўзбекистон Республикаси учун 1994 й. 29 июлдан кучга кирган.), преамбула.

³ Каримов И.А. Адолат — қонун устуворлигида: Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги VI сессиясида «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» мавзусида қилинган маъруза. 10-том. - Т.: «Ўзбекистон», 2002. —Б. 26-50.

бўлиши лозим. Қайта тақсимлашнинг моҳияти ҳам шундадир, деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов"¹.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 24-моддасига кўра, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Конституциямизнинг 26- моддасига кўра эса, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.²

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш бугун бир дастур асосида кенг доирадаги ижтимоий чоралар (аҳолини моддий, маънавий турмушини ривожлантириб бориш), ҳамда ҳуқуқий чоралар орқали олиб борилмоқда. Ҳуқуқий чораларнинг энг муҳими жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш ҳисобланади.³

Шу муносабат билан ишонч билан таъкидлаш мумкинки, 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ишлаб чиқишда, вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятларини белгиловчи махсус нормаларни бир бўлимда — ЖК Умумий қисми олтинчи бўлимида жамлаш тўғрисида мутлақ асосланган қонунчилик қарори қабул қилинди. Мазкур бўлимга икки боб (XV ва XVI) киритилди. Бу ўз навбатида, энг аввало, вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги ва жазо масалалари билан боғлиқ барча нормаларни тизимлаш, шунингдек, вояга етмаганларнинг нисбатан фуқаровий, жисмоний ва маънавий камолга етмаганлигини ҳисобга олган ҳолда уларга жавобгарликни юклаш ва жазони қўллашнинг янада инсонпарварлик принциплари ва шартларини умумлаштириш имконини берди.

«Жазо ва уни тайинлаш» деб номланган XV боб вояга етмаганларга қўлланиладиган жазо тизими ва турларини (81—85-моддалар), вояга етмаганларга жазо тайинлаш тартибларини (86-модда) тавсифловчи умумий қоидаларни ифодалайди, «Жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш» деб номланган XVI боб эса вояга етмаганларни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш шартларини тарбиявий таъсирнинг мажбурий чораларини қўллаш ва бу чоралар тавсифи билан (87—88-моддалар), жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш асосларини (89-модда) ва жазонинг ўталмаган қисmini енгилроқ жазо турларига алмаштиришни (90-модда) ифодалайди.

Жазо — жиноят ҳуқуқининг марказий институтларидан биридир, чунки у жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг етакчи шаклидир. Жиноий жавобгарликни амалга ошириш воситаси сифатида нафақат жазо чоралари, балки бошқа хил жиноят-ҳуқуқий (тиббий, тарбиявий йўсиндаги мажбурий чоралар, шартли ҳукм ва шу кабилар.) таъсир чоралари қўлланиши боис, жиноий жавобгарлик жазодан фарқли ўлароқ, янада кенгроқ ва ихчамроқ юридик категория эканлигини таъкидлаш лозим. Бир тарафдан жазо — шахс томонидан жиноят содир этилишининг мантиқий оқибатидир, бошқа тарафдан эса, ЖК томонидан ҳимоя қилинаётган ижтимоий муносабатларни тиклашнинг бир воситасидир ҳам. Айнан жиноятлар учун жазо тайинлангани жиноят қонунини ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш воситасига, ҳуқуқий нормаларни шахс, жамият ва давлатни ҳуқуққа ҳилоф тажовузлардан ҳимоя қилишнинг амалий воситасига айлантиради.

Жиноий жавобгарликнинг самарадорлиги ҳақидаги масала жазонинг самарадорлиги масаласига жиддий таъсир қилади. «Жазонинг самарадорлигини ижтимоий онгга ва судланган шахсга таъсир этиш оқибатида жазо мақсадларини амалий жиҳатдан юзага чиқариш (эришиш даражаси) деб таърифлаш мумкин. Жиноят, жиноят-ижроия, жиноят-процессуал қонунчилик ҳамда мазкур қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашда

¹ Каримов И.А.. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари". Т. "Ўзбекистон" 1997. 86-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. "Ўзбекистон". 2011. —Б. 26-27.

³ Усмоналиев М. "Жазо тайинлаш". Т. "Янги аср авлоди". 2003. —Б. 4.

қўлланиш амалиёти жамият ривожланишининг объектив қонуниятларига ва ижтимоий муносабатларнинг барча йиғиндиларига энг юқори даражада мувофиқ келган тақдирда жазони энг юқори самарадорликка эришилган деб ҳисоблаш мумкин»¹.

Ўз навбатида, жазо самарадорлиги уни белгилаш хусусиятларига тўғри пропорционал нисбатдадир, чунки жазо моҳияти ва унинг ўрни қанчалик даражада аниқроқ аниқланган, жиноятни содир этган шахсларга нисбатан мувофиқ таъсир кўрсатиш усуллари ва услубларини танлаш шунчалик мувофиқ даражада юқори самарали бўлади ва демак, жиноят қонунчилигининг ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштириш жараёнига таъсир кўрсатиши ҳам ортиб боради.

ЖК 42-моддаси жиноий жазонинг бутун тизими учун жиддий асословчи аҳамиятга эгадир, чунки мазкур модда давлат томонидан ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатишнинг танланган ва жазо сифатида тан олинган усулни қонуний тарзда таъминлайди. Жазолаш тушунчаси ва мақсадларининг қонун нормасида таърифланиши нафақат жиноят қонунининг қўлланишидаги бир хилликка, балки юридик маҳоратнинг мукаммаллашувига ва шу орқали жиноят қонуни ривожланишининг тадрижийлигига, тизимлилигига ва илгарилаб боришига ҳам сабабчи бўлади.

Жазо — жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланилган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир (ЖК 42-моддаси 1-қисми)².

Яъни, жазо қонун томонидан унинг жиддий белгиларига ишора қилиш йўли билан белгиланади; мазкур белгилар йиғиндисининг мав-жудлиги у ёки бу таъсир кўрсатиш усулини жиноий жазо сифатида кўриб чиқиш учун имкон беради. Бунда у ёки бу таъсир кўрсатиш усулининг жазо сифатида тан олиниши учун унинг истисносиз барча белгиларга мувофиқ келиши талаб қилинади, яъни улардан ҳеч бўлмаса биттасининг мавжуд эмаслиги бунинг учун тўсқинлик қилади.

Шундай қилиб, жазо:

- давлат томонидан жорий этилган мажбурлов чораси бўлиши керак;
- у фақат суд томонидан тайинланиши шарт. Бунда жазони тайинлаш суд томонидан, албатта, ҳукм чиқариш йўли билан амалга оширилиши керак;
- жиноий жазонинг қўлланиши учун ҳулқнинг бошқа кўриниши эмас, балки жиноятни содир этиш асос сифатида хизмат қилиши керак;
- жазо фақат жиноятни содир этганлиги исботланган шахсга нисбатан тайинланиши (яъни, шахсий хусусиятдаги чора бўлиши) керак;
- жазо маҳкум шахснинг муайян ҳуқуқларидан маҳрум этилиши ёки чекланиши билан ифодаланиши керак;
- муайян ҳуқуқлардан маҳрум этиш ёки чеклаш ҳоллари фақат жиноят қонуни томонидан назарда тутилиши шарт.

Жиноий жазо биринчи навбатда чора сифатида, яъни муайян миқдор ва сифат белгиларига эга бўлган таъсир этиш воситаси деб эътироф этилади.

Жазонинг чора сифатидаги сифат белгилари таърифида таъсир кўрсатиш усулининг мазмундорлик томони, яъни унинг тури аниқланади (масалан, жарима кўринишидаги жазонинг сифат таърифи пулни ундиришда ифодаланади). Миқдор жиҳатидан таърифлаш у ёки бу усулни қўллаш чегараларини (масалан, жариманинг миқдорий таърифи сифатида унинг миқдори, озодликдан маҳрум этиш ҳолида жазони ўташ муддати ва ш.к. белгиларни) қамраб олади. Қонун томонидан белгиланган жазонинг мазкур таъриф белгиларидан четга чиқишга ҳеч ким ҳақли эмас. Фақат жазо доирасида чора сифатида суд жиноят қонуни асосида, жазо муддатлари ва тартибини белгиланган

¹ Уголовное право. Общая часть: Учебник. А.С. Якубов, Р. Кабулов и др. - Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2005. Ст.-384.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Тошкент, Адолат, 2011, -Б. 20.

ҳолда, миқдорий, баъзан эса сифат чегараларда муайян аниқ бир шахсга нисбатан жазо чораси қўлланилишини белгилашга ҳақлидир.

Жазо сифатида фақат мажбурлов хусусиятдаги чоралар, яъни ҳар кимнинг ихтиёридан қатъи назар, хусусан ушбу чоралар қўлланилаётган шахснинг ҳам, бошқа шахсларнинг (масалан, жазони ижро этиш органларининг хизматчилари бўлган ва шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ва бошқа мансабдор шахсларнинг) ихтиёридан қатъи назар ижро этиш учун мажбурий бўлган чоралар тан олиниши мумкин. Бунда жазоланувчи шахснинг унга нисбатан қўлланилаётган жазо чораларига субъектив муносабатда бўлиши мазкур чораларнинг мажбурлов хусусиятда бўлишига таъсир кўрсатмаслигини инобатга олиш лозим. Хусусан, маҳкум этилган шахс жазони ўзи ихтиёрий тарзда (масалан, жаримани ихтиёрий тўлаш) ўташи ҳам, жазо унинг ихтиёрига қарши (масалан, уни озодликдан маҳрум этиш ва ш.к.) йўсинда ижро этилиши ҳам мумкин ва бу жазонинг албатта ижро этилишини, яъни унинг мажбурлов хусусиятини бекор қилмайди.

Жиноий жазонинг мажбурлов хусусияти унинг нафақат маҳкум томонидан, балки ҳар қайси бошқа субъектлар, хусусан, жазони ижро этиш органларининг ходимлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмуриятлари томонидан албатта ижро этилишини талаб қилади. Шу билан бир вақтда, шундай хусусийлик белгиси асосида ижро этилиши сўзсиз мажбурий бўлмайдиган, балки қандайдир субъектив омилларга боғлиқ бўлган (ўз айбига иқдор бўлишни) бошқа хил таъсир кўрсатиш чоралари қаторига қўшиб бўлмайди; жумладан, ишонтириш, тарбиявий чоралар ва шу каби усулларни жазо сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас.

Ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш усулини жазо сифатида тан олиш учун албатта қуйидаги шартга, яъни мажбурлов давлат томонидан қўлланилишига амал қилиш лозим.

Жазони қўллаш бу хусусий шахсларнинг ёки жамоат ташкилотларининг ёхуд уларга тенг тарзда турли хил корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқи эмас, балки давлатнинг алоҳида ваколатидир. Фақат Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг томонидан ваколат берилган органлар жиноий жазони ижро этиш ҳуқуқига эгадирлар; бунга мувофиқ органлар ўз номидан эмас, балки ЖК 42-моддаси 1-қисмида баён этилган ҳолатлардан тўғридан-тўғри келиб чиққан ҳолда давлат номидан ҳаракат қиладилар. Мажбурлов чоралари бошқа хизмат таркиблари, шу жумладан (жиноий жазони ижро этиш ҳуқуқига эга бўлмаган) давлат органлари ҳамда бошқа хил тузилмалар томонидан амалга оширилган тақдирда, бундай чоралар жиноий жазо сифатида тан олиниши мумкин эмас. Шу билан бир вақтда, буларга ўхшаш тузилмалар раҳбарлари қонунда белги-ланган тартибда жавобгарликка, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортилиши керак.

Жазони тайинлаш, яъни Жиноят кодексининг Махсус қисми моддасига мувофиқ санкция доирасида жазонинг аниқ турини ва меъёрини танлаш фақат суднинг алоҳида ҳуқуқини ташкил этади. Фақат суд давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи сифатида жиноятни содир этганлик учун жазони тайинлаш ҳуқуқига эгадир. Давлат ҳокимиятининг ҳар қандай бошқа органлари, шу жумладан, ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи органлар бундай ваколатларга эга эмас (ЖПК 12-моддаси).

Шу билан бир вақтда жазони тайинлаш ҳуқуқига ҳар қандай суд органи эмас, балки ваколатли судлар, яъни жиноят ишлари бўйича судлар эга эканлигини таъкидлаш лозим (ЖПК 28-моддаси)¹.

ЖК 17-моддаси 5-қисмига биноан: «ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2-сентябрдаги “Судлар тўғрисида” ги Қонуни (Янги таҳрири). (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 162-II- сонли Қонуни билан тасдиқланган.)

бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар»².

Шундай қилиб, амалдаги ЖК Умумий қисми олтинчи бўлими одиллик, инсонпарварлик ва айб учун жавобгарлик принциплари ривожланишининг маълум жиҳатларини ўзида мужассам қилди. Бу, қисман, вояга етмаганларга қўлланиладиган айрим жазо турларини, алоҳида тизимини ва енгиллаштиришни ўрнатишда намоён бўлади (масалан, вояга етмаганнинг ёшига нисбатан ва содир этган қилмиши ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ равишда дифференциациялаш йўли билан озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазо муддатлари камайтирилди — 85-модда); 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида биринчи бор вояга етмаганга жазо тайинлашда унинг ривожланиш даражаси, ҳаётий ва тарбиявий шароитлари, соғлиғининг ҳолати ҳамда катталарнинг ва унинг шахсига таъсир этувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш тўғрисида кўрсатилди (ЖК 86-моддаси 1-қисми); ҳукмлар йиғиндиси бўйича вояга етмаганларни озодликдан маҳрум этиш муддатининг мумкин бўлган энг кўп чегараси пасайтирилди (86-модда 2-,3-,4-қисмлари); биринчи марта муқобиллик асосида вояга етмаган жиноятчиларга тарбиявий таъсир этишнинг мажбурлов чораларини қўллаш имконияти назарда тутилди (87-модда 2-, 3-қисми ва 88-модда) ҳамда вояга етмаганлар иши бўйича комиссиянинг кўриб чиқишига материалларни бериб, жавобгарликдан озод қилиш имкониятига йўл қўйилади (87-модда 1 -қисм); муддатида илгари озод қилишнинг енгилроқ асослари регламент қилинди ва жазони енгилроқ жазога алмаштириш (89-, 90-моддалар) ҳукукий жиҳатдан тартибга солинди.

Таъкидлаш жоизки, қонунда Умумий қисмнинг махсус назарда тутилган олтинчи бўлимидан ташқари, вояга етмаганларни жавобгарликка тортиш ва жазо ЖК Умумий қисмининг айрим бошқа ҳолатларида ҳам ёритилган. Масалан, ЖК 17-моддаси 4-қисми ўн саккиз ёшга етмаганлар содир этганлари учун жавобгарликка тортилмайдиган қатор жиноятларни аниқлаш имконини беради (қисман, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлиги учун — ЖК 122-моддаси, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаганлиги учун ЖК 123-моддаси, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилганлик учун ЖК 127-моддаси, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ЖК 144-моддаси ва бошқалар). Ўз навбатида, ЖК 17-моддаси 2-, 3-қисмлари айрим жиноят турларига нисбатан ва маълум ёшга етганлигига қараб (13, 14 ва 16) вояга етмаганлар жавобгарлиги чегараларини дифференциялайди.

Шундай қилиб, ЖК ҳолатларига мувофиқ, жиноий жавобгарликка тортиш учун вояга етмаган шахслар деб, фақат жиноят содир этилгунга қадар 13 ёшга тўлган, аммо 18 ёшга тўлмаган шахслар назарда тутилади. Ёшларнинг конкрет миқдори (13, 14, 15, 16, 17 дан 18 ёшгача), қайси ёшдалиги аҳамиятга эга эмас, аммо жазони индивидуаллаштириш жараёнида суд томонидан ҳисобга олиниши лозим, яъни ёшроқларига енгилроқ жазони, ёши каттароқларига оғирроқ жазони қўллаш лозим. Ҳар қандай вазиятда, жазо тайинлаш вақтида, суд вояга етмаган шахсларга қўлланиладиган жазо турлари тўғрисидаги модданинг талаблари билан боғланган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, шахснинг ёшини аниқлашда суд-тергов идоралари, шахснинг маълум ёшга етганини аниқлашда «туғилган куни эмас, балки шу кун тўғри келган сутка ўтганидан кейин, яъни кейинги сутканинг «0» соатидан бошлаб» ҳисоблашлари лозим. Шахснинг ёши тегишли ҳужжатларга қараб эмас (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар), балки суд-тиббий экспертиза ҳулосасига асосан аниқланган вазиятларда, унинг туғилган куни қилиб, экспертлар томонидан айтилган йилнинг охириги куни ҳисобланади, энг кам ва энг кўп ёш миқдорлари

² Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳукуки курси. 2-том. “Илм-зиё” нашриёт уйи. Тошкент, 2011. –Б. 233.

билан ёшни аниқлашда, бундай шахсни суд экспертлари тахмин қилган энг кам ёшдан аниқлайди¹.

ЖК 34-моддаси 6-қисмида «шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муддатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инobatга олинмайди». Шу билан қонун чиқарувчи вояга етмаган ёшда содир этилган жиноятлар учун ўзига хос «имтиёзлар» ўрнатилганлигини белгилаган.

ЖК 51-моддаси 3-қисми кўрилатган тоифадаги шахслар учун махсус жазо тизимини белгиловчи ЖК 81-моддаси 1-қисми ҳолатини тасдиқлаш учун таъкидлайдики: ўн саккиз ёшга тўлмаганларга содир этган жинояти учун умрбод озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазо тайинланиши мумкин эмас. Шунга ўхшаш ҳолат ЖК 50-моддаси 4-қисмида узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишни қўллашни таъкидлайди.

ЖК 55-моддаси 1-қисми «ж» бандига мувофиқ, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилиши жиноятни енгиллаштирувчи ҳолат деб топилади.

Ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган вояга етмаганларга ЖК 72-моддаси 7-қисми қоидалари бўйича шартли ҳукм қилиш чекловларсиз, яъни ҳатто ўта хавфли жиноят содир этилганда ҳам ёки аввал қасддан қилинган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазога ҳукм қилишда ҳам қўлланиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш зарурки, вояга етмаган жиноятчилар учун барча енгилликлар уларнинг ижтимоий, психофизиологик ва ақлий етук эмасликларини, жамиятда ўзини тутиш йўллари танилаш имконияти чекланганлигини ҳисобга олиб белгиланган.

III Боб. Вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жазо тайинлаш

1-§. Жазо тизими ва турлари

Жиноий қонун (ЖК 81-моддаси) фақат вояга етмаганларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жазонинг махсус турларини ўрнатмайди, фақат ЖК 43-моддасида вояга етмаганлар учун белгиланган жазо тизимида назарда тутилган алоҳида жазо турларини қўлланишини чеклайди, холос.

ЖК 81-моддаси 1-қисмига мувофиқ, вояга етмаганлар учун жазо тизими асосий жазоларнинг фақат тўртта турини назарда тутлади:

- жарима;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- қамок;
- озодликдан маҳрум қилиш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақида ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 й. 14 июндаги 10-сонли ва 2006 й. 3 февралдаги 5-сонли қарорлари билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 2-жилд. –Б. 6.

ЖК 81-моддаси 2-қисмида тўғридан-тўғри кўрсатилганига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас. Вояга етмаган судланганларга қўшимча жазо тарзидаги давлат мажбурлов чораларини тайинлаш ҳукми бекор қилинишига сабаб бўлувчи жиноят қонунини қўпол бузилиши сифатида тан олинади¹.

Вояга етмаган шахслар учун жазо тизими ЖК 43-моддасида белгиланган барча хусусиятларга эга:

давлат мажбурлов чораларининг алоҳида турларидан ташкил топган;

жазо тизими элементлари ўзаро боғланган, ўзаро тобе ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи;

ЖК 81-моддасида санаб ўтилган давлат мажбурлов чоралари тугалланган якунга эга ва кенгайтирилган тарзда шарҳланиши мумкин эмас. Шунинг учун вояга етмаганларга жазонинг қандайдир бошқа турлари, ҳатто қонунда назарда тутилган бўлса ҳам (ЖК 43-моддаси), аммо ЖК 81-моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса қўлланиши мумкин эмас;

ушбу жазолар тизимда енгилдан оғирига қараб жойлаштирилган.

Ҳуқуқшунос олимлар, давлатнинг олий ҳокимият органлари вояга етмаганлар жиноятчилиги билан курашишда жиноят ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва уни самарали ишлашининг фундаментал назарий қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни муайянлаштириш масаласига катта эътибор қаратмоқдалар.

Жазо бошқа ҳар қандай ижтимоий ходиса каби доим ривожланиб боради, бироқ бунда унинг шакли маълум вақтгача ўзгармай келади. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин бизнинг ҳуқуқий доктринамиз ҳам демократик тамойилларга асосланган ҳолда янгича аҳамият касб этган.

Янги демократик жамият иштирокида жазо “... шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш... фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш...”¹ воситасига айланиб бормоқда. Буларни ҳаммаси жазо хусусиятини тубдан ўзгаришига олиб келувчи омил бўлиб ҳисобланади. 2000 йил июн ойида қабул қилинган жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастурида “... жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликни инсонийлик ва адолат каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлаш...”² назарда тутилган.

Жазо ва тарбия бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда мавжуддир. ...жазо (жазолаш таъсири) билан мустаҳкамланмаган соф ҳолдаги тарбиявий таъсир кўрсатиш, замонавий шароитда, ўз-ўзича жиноятларни олдини олишда кутилган натижаларни бермайди. Шу билан бирга жазолашда ҳам тарбия элементларини кўра билиш керак. Жазолаш таъсири маълум доирадаги ҳуқуқбузарлар учун, жазонинг “соф ҳолдаги тарбиявий таъсирига қараганда тарбиянинг кучли воситаси сифатида намоён бўлади”.

Ахлоқан тузатишни жазони мақсади деб тан олиш вояга етмаганларга жазо тайинлаш ва уларни ижро этиш, шунингдек ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларининг фаолияти учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу муассасалар маҳкумларни фақатгина озодлигини чеклаш ёки қўрқитиш жойи бўла олмайди. Уларни вазифаси маҳкумларни онгини тубдан ўзгартиришдан иборат.

Жазонинг мазмуни тўғрисидаги масала ҳам катта аҳамиятга эга. Жазо ўз моҳиятига кўра жазолаш ва тарбиялашдир. Мазмун эса моҳият ва ҳодисанинг бирлиги бўлганлиги учун, жазонинг мазмуни муайян ҳолатда тартибга солинган ва қатъий чегараланган

¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқи курси. 2-том. “Илм-зиё” нашриёт уйи. Тошкент, 2011 –Б. 236.

¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон овози” газетаси 2001 йил 30 август.

² Каримов И.А. Ўзбекистон 21 асрга интилоқда. Т., “Ўзбекистон” 1998. –Б. 30.

ҳуқуқий чеклашларнинг мажмуи сифатида қаралиши керак. Шунинг учун ҳар қандай жазо жазолаш ва тарбиялаш воситаларининг маълум даражасига эгадир.

Жазонинг мазмунини унинг алоҳида турлари орқали кўриб чиқиш мумкин. Масалан, биз озодликдан маҳрум қилишни жазонинг энг оғир турларидан бири деб таъкидлаганимизда унда биз, одатда, уни, жазолаш элементлари камроқ намоён бўлган, ва аксинча, тарбиялаш элементи кўпроқ намоён бўлган жазонинг бошқа тури билан таққослаймиз.

Охирги вақтларда жаримани жазо сифатида қўллашнинг амалий масалалари амалиётчилар ва олимларни эътиборини ўзига тортди. Бу жиноятчининг шахси, жиноий ҳатти-ҳаракат механизмига таъсир қилишнинг оптимал йўллари тўғрисидаги билимларни ва либераллаштириш асосларини узил-кесил ҳаётга тадбиқ қилишни кенгайтириш билан боғлиқ. Аммо жарима жазосини вояга етмаганларга қўллашнинг айрим хусусиятлари мавжуд.

Жарима жазосини умуман ва хусусан вояга етмаганларга тайинлаш тўғрисида бир-бирига қарама-қарши бўлган турли фикрлар мавжуд бўлган. Масалан И.А. Исмаиловнинг фикрига кўра "... жиноят қонунчилигининг ривожланиш жараёнида жарима жазосини қўллаш соҳаси торайиши керак, айрим жиноятлар учун уни жазо чораси сифатида тайинланиши эса умуман мақсадга мувофиқ эмас (шахсга қарши жиноятлар)".¹

Вояга етмаган шахсларга қўлланиладиган давлат мажбурлов чораси сифатидаги жариманинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг ҳукм қилинганга таъсир этувчи етарли потенциал таъсирга эгаллиги, жазо мақсадига эришиш билан бир вақтда, жиноят қонуни принципларига тўла мос келувчи инсонийлиги ҳисобланади.

Жаримани жазо сифатида тайинлашда суд, ҳар бир жиноий жазо, жумладан, вояга етмаган шахсларга қўлланиладигани ҳам, шахсий тавсифга эга эканлиги ҳолатини алоҳида ҳисобга олишни тақозо этади, яъни айнан жиноят содир этганлиги муносабати билан бу жазо тайинланган шахс уни ўташи лозим. Шунинг учун вояга етмаганларга жарима тайинлаш фақат уни ижро этиш учун хусусий маблағларига эга бўлган вазиятлардагина йўл қўйилади. Хусусий маблағлари сифатида вояга етмагanning мулкчилик ҳуқуқи бўйича эга бўлган, унга ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол мулкни ёки мустақил даромад манбаини тушуниш лозим.

Ўн саккиз ёшга етмаган шахсларда хусусий маблағларнинг йўқлиги жарима тайинлаш учун тўсиқ бўлади. Вояга етмаган шахсга тайинланган жаримани бошқа шахслар мулки ҳисобига тўланиши ҳеч қандай вазиятда йўл қўйилмайди. Бунда хусусий маблағларнинг мавжудлиги ҳукм эълон қилинган вақтда аниқланиши лозим. Шунинг учун, агар судланган ҳукм чиққан вақтда етарли даражада хусусий маблағлар ҳажмига эга бўлмаса, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг уни олиш имконияти бўлса ҳам, жарима тайинланишига йўл қўйилмайди. Шу билан бир вақтда, жарима давлат мажбурлов чораси сифатида судланганга, ҳатто шундай вазиятларда, жамият учун хавфли қилмиш содир этган вақтда хусусий маблағларига эга бўлмаган, аммо ҳукм эълон қилинган вақтгача уни олган бўлса (масалан, мерос, ҳадя, заём ва бошқалар) қўлланиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, жарима ЖК инсонпарварлик принципларини кетма-кет тадбиқ этиб, қисман, жарима миқдорининг анча пасайтирилишида намоён бўлади. ЖК 82-моддаси 1-қисмига мувофиқ, 18 ёшга етмаган шахслар учун, жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади. Суд жарима тайинлаётганда, жариманинг конкрет миқдори жазони индивидуаллаштириш воситаси эканлигини назарда тутиб, унинг миқдorigа алоҳида эътибор бериши лозим. Шу билан бир вақтда, жарима тайинлашда вояга етмаган судланган шахснинг қил-миши оғирлигини ва мулкий аҳволини ҳисобга олиши лозим.

ЖК 82-моддаси 2-қисмига мувофиқ, маҳкум жарима тўлашдан олти ой муддат мобайнида бўйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини ахлоқтузатиш ишлари жазоси билан алмаштиради. Бундай норма ЖК 44-моддасида ҳам ифодаланган. Аммо, ЖК

¹ Исмаилов И.А. Штраф как мера уголовного наказания. Правоведение 1972 № 5, С. 114.

44-моддаси 3 қисми ҳолатидан фарқ қилиб, жаримани ахлоқ тузатиш ишларига алмаштириш ЖК 82-моддаси тартибларида қатор хусусиятларни назарда тутди. Махкумни жарима тўлашдан бўйин товлаши тўғрисидаги масала, фақат олти ой мобайнида тўламаган вазиятларда қўйилиши мумкин. Жаримани фақат шу каби жазо турига, ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилиши мумкин. Бу вазиятда ахлоқ тузатиш ишларининг энг кам муддати тўланмаган жарима суммасига боғлиқ бўлиб, бир ойдан кам, аммо бир йилдан кўп бўлмаслиги лозим.

Вояга етмаган судланганда жаримани алмаштириш тартибида бошқа давлат мажбурулов чораларини, қисман, қамокни қўллашга йўл қўйилмайди. ЖК 82-моддаси 2-қисми ҳолатларига мувофиқ, тайинланган ахлоқ тузатиш ишларини алмаштириш тартибида қамок қўлланиши мумкин эмас¹.

Қонун бўйича вояга етмаган судланган жазо сифатида тайинланган жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ой ичида тўлашга мажбур. Бироқ суд ЖПК 533-моддасига асосан судланган шахснинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ҳукмнинг бу қисми ижросини кечиктириш масаласини ечади.

Вояга етмаган шахсга жарима кўринишидаги жазо тайинланиши, фақат бу жазо тури ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган бўлса ва ЖК 57-моддасига мувофиқ анча енгилроқ жазо тайинланганида қонунийдир. Агар, жарима кўринишидаги жазо ЖК Махсус қисми маълум моддаси санкциясида назарда тутилган бўлса, унда вояга етмаган шахсга кўрилатилган давлат мажбурулов чораси миқдорини танлашда суд ҳам тегишли модда санкцияси ҳамда ЖК 82-моддаси ҳолатлари билан боғлайди. Қисман, агар Махсус қисм моддасининг санкциясида жариманинг энг кам миқдори аниқланса, суд бу жазони тайинлашда, агар кейингиси ЖК 82-моддаси 1-қисмида ўрнатилган чегараларда турган бўлса, кўрсатилган чегарани бузиши мумкин эмас. Бунда, Махсус қисм моддаси санкциясида ўрнатилган энг кам чеклов, жариманинг ЖК 82-моддаси 1-қисмида кўрсатилган энг кўп чегарасидан катта бўлса, унда судланганга ЖК Умумий қисми махсус нормаларида назарда тутилган энг кўп миқдорга тенг жаримани қўллаш лозим бўлади. Энг кам чеклов кўрсатилмаган бўлса, у ЖК 82-моддаси ҳолатларига мувофиқ аниқланади. Жариманинг энг кўп чеклови ҳар қандай ҳолатда, ЖК Махсус қисми моддасига тегишли санкциядан мустақил равишда, кўрсатилган модда аниқлаган чегарадан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар, жарима кўринишидаги жазо судланганга ЖК 57-моддаси тартибида тайинланса, унда жариманинг энг кам ва энг кўп чегаралари ЖК 82-моддасига мувофиқ аниқланади¹.

Жазо бошқа ҳар қандай ижтимоий ҳодиса каби доим ривожланиб боради, бироқ бунда унинг шакли маълум вақтгача ўзгармай келади. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин бизнинг ҳуқуқий доктринамиз ҳам демократик тамойилларга асосланган ҳолда янгича аҳамият касб этган.

Собиқ иттифоқ даврида жазо репрессив кўринишга эга бўлган. Кўп ҳолларда давлат мулкига қарши қаратилган жиноятлар шахсга қарши қаратилган жиноятлардан ҳам каттиқроқ жазоланган. Янги демократик жамият иштирокида жазо "... шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш..., фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш..."² воситасига айланиб бормоқда. Буларни ҳаммаси жазо хусусиятини тубдан ўзгаришига олиб келувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган, ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Тошкент, Адолат, 2011, -Б. 49 .

¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқи курси. 2-том. "Илм-зиё" нашриёт уйи, Тошкент, 2011, -Б. 238.

² Каримов И.А. "Ўзбекистон овози" газетаси. 2001 йил 30 август.

Қонун чиқарувчи органнинг вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлган жазо турлари тизими орасида ахлоқ тузатиш ишлари учун ажратган ўрни, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг санкцияларига озодлиқдан маҳрум қилишга муқобил жазо чораси сифатида киритилиши айбдорни жамиятдан ажратмаган ҳолда, меҳнат жамоаларида ахлоқан тузатиш мумкин бўлган шахсларга тайинланиши кераклиги тўғрисида гувоҳлик беради.

Жазолаш ва қайта тарбиялаш элментлари ҳар бир жазога хосдир. Жазолов кучи нуқтаи назаридан ахлоқ тузатиш ишлари озодлиқдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан енгилроқ бўлсада, маълум даражада жиноий жазонинг оғирроқ тури ҳамдир.

Ахлоқ тузатиш ишларини ҳуқуқий табиатининг тахлили шуни кўрсатадики, жазонинг бу тури, авваламбор, катта ёшдаги ҳуқуқбузарларга қўллаш учун мўлжалланган. Ахлоқ тузатиш ишларининг юқорида зикр этилган барча ҳуқуқий оқибатлари, катта ёшдагилар учун кўпроқ таъсир қилади. Бу ҳол амалиётда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ахлоқ тузатиш ишлари каби жазони жазолов функциясининг бир қатор ўзига хос хусусиятларига кўра, уни вояга етмаганларга кенг қўллаб бўлмайди. Ушбу масала мунозарали бўлиб ҳисобланади. Муаллифларнинг бир гуруҳи ахлоқ тузатиш ишларини вояга етмаганларга қўллашдан умуман воз кечиш керак¹, деб ҳисоблайдилар. Бошқалари эса ушбу жазони вояга етмаганларга кенг қўллаб бўлмасда, уни вояга етмаганлар учун бекор қилиш кераклигини аниқлатмайди, деб кўрсатиб ўтганлар².

Г.С. Гаверов амалиётни ўрганиб чиқиб: “Судланганлар қаторида ишлайдиган ўсмирларнинг ҳиссасини жазонинг бу турини қўллаш кўрсатғичи билан таққосласа, суд амалиётида жазолаш ва қайта тарбиялаш таъсирини ўзида муваффақиятли мужассамлаштирувчи ахлоқ тузатиш ишларининг имкониятларидан тўлиқ даражада фойдаланилмайди”³, - деб кўрсатган.

Вояга етмаган шахслар ўз касбларини етарли даражада эгалламаганликлари сабабли уларнинг малакаси, тажрибаси юқори бўлмайди ва, оқибатда, уларни маоши ҳам юқори бўлмайди. Бундай шароитда иш ҳақининг муайян қисмини давлат фойдасига ушлаб қолиш ва маҳкумнинг моддий ҳолатини ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган ахлоқ тузатиш ишларини қўллаш исталган мақсадга қарама-қарши бўлган натижани бериши мумкин. Аксарият ҳолларда бу вояга етмаганларнинг дунёқараши ва қадриятлардан кераклисини танлаш хусусияти билан боғлиқ бўлади. Бошқа томондан бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина шахслар, жумладан, вояга етмаганлар ҳам, расман ҳеч қаерда ишламайдиган сифатида ҳисобда турсада, бошқа йўللар билан даромад қилиб юрадилар, оқибатда ахлоқ тузатиш ишларининг жазолов таъсири ҳам етарли даражада бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг берган тушунтиришида: “Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етган, 16 ёшга тўлмаган шахсларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан тайинланмайди”,⁴ – деб кўрсатилган. Бироқ, ахлоқ тузатиш ишларини вояга етмаганларга кенг миқёсда қўллаб бўлмаслиги улардан бутунлай воз кечиш кераклигини аниқлатмайди. Вояга етмаган ҳуқуқбузарларга озодлиқдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазо чоралари билан таъсир этиш юзасидан сўз борганда, айниқса бунинг учун етарли манба мавжуд бўлганда, судларнинг имкониятларини торайтириш мумкин эмас.

Жиноий жавобгарликка ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган, енгил-елпи ҳаёт кечирадиган ўсмирлар тортилганда ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш масаласи ҳозирги

¹ Журавлёв М, Ильин Б, “За правильное применение исправительных работ”, 1994 г. С.45.

² Бабаев М.М. Индивидуализация наказания несовершеннолетних. М. Юридическая Литература, 1998г. С. 100-101.

³ Гаверов Г.С. Проблемы наказания несовершеннолетних преступников. Иркутск, 1996. С. 191.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорларнинг тўплами. 1991-1994 й. Икки жилдда 1-жилд// Шарқ. 1997. 48-б.

кунда стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги даврда аҳолининг аксарият қисмини иш жойи билан таъминлаш анча қийинчиликларни туғдирмоқда.

ЖК 83-моддаси вояга етмаган судланганларга ахлоқ тузатиш ишлари каби жазо тури тайинлашнинг хусусиятларини тартибга солмайди.

Кўрсатилган норманинг 1-қисми асосида: «Ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади».

Қонунда кўрсатилиши бўйича ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаган шахсларга қўлланилишига йўл қўйилади.

Меҳнатга лаёқат — бу меҳнат фаолиятига бўлган лаёқатдир. Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади (МКнинг 77-моддаси 1-қисми). Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорида, қонун бўйича 16 ёшга тўлмаганларга ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмаслигини кўрсатган. Аммо, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, вояга етмаган шахслар меҳнатга лаёқатли сифатида кўриб чиқилиши лозим ва умумий ўрнатилган ёшга (16 ёш) етмаган вазиятларда ва ушбу шарт билан:

ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин (МК 77-моддаси 1-қисми);

ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, хунар-техника билим юртлири ва ўрта махсус ўқув юртлирининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади (МК 77-моддаси 2-қисми)¹.

Шу муносабат билан, меҳнат қонунчилиги шартларига риоя қилинганда ўн тўрт ёшга етган вояга етмаганларга ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилиши мумкин.

Ўн олти ёшга етмаган шахсларга ахлоқ тузатиш ишларини тайинлашда, суд айбдорнинг меҳнат мажбуриятларини ижро этиш истаги борлигини аниқлаб олиши лозим, чунки шахснинг бу жазони бажаришни истамаслиги уни қўллаш самарадорлигини пасайтиради. Бундан ташқари, ахлоқ тузатиш ишларининг тури ва миқдори масаласини ечаётганда суд уларни судланган шахс соғлиғига ва ўқув жараёнига таъсирини ҳисобга олиши зарур².

Ахлоқ тузатиш ишлари вояга етмаганлар учун бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади. Бу муддатларга риоя қилмаслик жиноят қонунининг қўпол бузилиши бўлиб, ҳукмнинг ўзгаришига олиб келади.

Вояга етмаганлар учун ЖК 83-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари ЖК Махсус қисми тегишли моддаси санкциясининг таҳриридан қатъи назар судлар томонидан сўзсиз бажарилиши лозим. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур.

Агар ЖК Махсус қисми моддасининг санкцияси содир этилган тўғридан-тўғри жиноятга ахлоқ тузатиш ишлари тайинланиши мумкин бўлган энг кам муддатни назарда тутса, унда вояга етмаганга амалда тайинладиган бу турдаги жазо умумий қоидалар бўйича шу модда санкцияси кўрсатган энг кам чегарасидан кам бўлиши мумкин эмас. Бироқ бу энг кам чегара ЖК 83-моддасида назарда тутилган энг кўп чегарадан ортиқ бўлса, ахлоқ тузатиш ишлари ЖК 83-моддаси 1-қисми қоидалари бўйича тайинланиши лозим, яъни бир ойдан бир йилгача. Агарда, ЖК Махсус қисмининг тўғри-дан-тўғри модда санкцияси ахлоқ тузатиш ишларининг энг кам йўл қўйиладиган чегарасини назарда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Тошкент, Адолат, 2011, -Б. 33.

² Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқи курси. 2-том. “Илм-зиё” нашриёт уйи, Тошкент, 2011, -Б. 239.

тутмаган бўлиб, фақат унинг энг кўп чегарасини назарда тутган бўлса, унда вояга етмаган судланган учун кўриладиган жазо турининг энг кам миқдори ЖК 83-моддаси ҳолатларига мувофиқ аниқланади. Бундай вазиятларда энг кўп йўл қўйиладиган жазо миқдорини иккита вариантда аниқлаш мумкин:

агар, ЖК Махсус қисмининг моддаси санкциясида кўрсатилган энг кўп чегара ЖК 83-моддасида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишларининг энг кўп чегарасидан ортиқ бўлса, суд ЖК 83-моддаси 1-қисмига риоя қилиши лозим;

агар ахлоқ тузатиш ишларининг энг кўп муддати Махсус қисм моддаларининг санкцияси ЖК 83-моддасида аниқланган чегараларда бўлса, айбдорга ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш ЖК Махсус қисми муайян моддаси санкциясига йўналтирилиши лозим.

ЖК 83-моддаси 1-қисмида кўрсатилгани каби, вояга етмаган шахсга икки турдаги ахлоқ тузатиш ишлари тайинланиши мумкин:

вояга етмаганнинг ўз иш жойи бўйича ижро этиладиган;

ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ижро этиладиган¹.

Шу ҳолатга алоҳида эътибор бериш лозимки, вояга етмаганнинг яшаш жойида ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган бошқа жойларда ижро этиладиган ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш, фақат бир вазиятда, агар ҳукм чиққанда айбдор ҳеч қаерда ишламаётган бўлсагина йўл қўйилади. Бундай вазиятда вояга етмаганнинг меҳнат мажбуриятларини амалда амалга оширмаганлигининг аҳамияти йўқ, масалан, унга нисбатан аввалдан тергов жараёнида қамоққа олиш чораси кўрилган бўлса ёки у вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз аҳволда бўлса ва ҳ.к. Ҳукм чиққанида шахсни ишловчи деб топиш учун фақат вояга етмаган судланган шахснинг ҳақиқий меҳнат шартномаси аҳамиятга эга. Жазони бошқа жойларда ўташ шарти билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади. Вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади (ЖИК 26-моддаси 5-қисми)¹.

Вояга етмаганга ахлоқ тузатиш ишлари жазо турини тайинлашда, судлар унинг турига (судланган шахснинг иш жойида ёки ушбу жазо ижроси назоратини олиб борувчи идоралар томонидан яшаш жойида ўтадиган) ва жазо муддатига ҳамда судланган шахснинг иш ҳақидан чегирмалар миқдорига, бу кўрсаткичлар жазонинг индивидуаллаштириш воситаси эканлигини назарда тутиб, алоҳида эътибор беришлари лозим.

Вояга етмаган шахсга ахлоқ тузатиш ишлари кўринишид жазо тайинлашда, судлар вояга етмаганга юкланган ёки юкланадиган меҳнат мажбуриятларига эътибор беришлари лозим. Қисман, ахлоқ тузатиш ишларини ўташда вояга етмаган шахсга меҳнат қонунчилиги ўз амалини тўла ёяди. Ўн саккиз ёшдан ёш бўлган шахслар меҳнатидан ноқулай меҳнат шароитларида, ер ости ишларида ва соғлиққа, ҳаётсизликка ёки бу тоифа ишчиларнинг ахлоқига зарар етказувчи ишларда фойдаланиш тақиқланади². Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди (МК 241-моддаси 2-қисми)³. Вояга етмаганлар учун

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Тошкент, Адолат, 2011, -Б. 49.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ижроия кодекси. Тошкент, 2012, -Б. 15.

² Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати (2001 йил 30 майдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 7-сонли қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1-сонли қарорлари билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2001 йил 9 июнда № 1040 рўйхатдан ўтган) // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив актлари бюллетенлари, 2001 й., № 11.

³ Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан оғир юк кўтаришлари ва ташишлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон

қисқартирилган иш куни ўрнатилади, бу ахлоқ тузатиш ишларини ўташга таъсир этмайди: давомийлигидан қатъи назар вояга етмаганларнинг иш куни 18 ёшга тўлганларнинг иш куни билан бир хилдир.

ЖК 83-моддаси 2-қисми суднинг судланган шахсни ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлаган вазиятда, ахлоқ тузатиш ишлари кўринишидаги жазони қамоқ кўринишига алмаштириш ҳуқуқини тартибга солади. Жазони алмаштиришга, судланган ахлоқ тузатиш ишларидан, тайинланган муддатнинг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товлаган шароитдагина йўл қўйилади. Ахлоқ тузатиш ишлари қамоққа алмаштирилганда, қамокнинг бир куни ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенг ҳисоблаб, йўл қўйилади. Қамоқ кўринишида тайинланган жазо уч ойдан ошмаслиги керак. Бунда, Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддаси санкциясида қамоқ кўринишидаги жазо назарда тутилганлиги ва муддати аҳамиятга эга эмас. Ахлоқ тузатиш ишларини алмаштирганда, суд кўрсатилган ҳолатлар билан боғланмаган.

Ахлоқ тузатиш ишлари - назарий жиҳатдан жаримадан кўра самаралироқ жазо ҳисобланади, чунки бу жазода қўрқитиш таъсири тарбиявий таъсир билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак. Бу жазонинг моҳияти ҳам шундаки, маҳкумга муайян чеклашлар билан боғлиқ мусибат етказиш билан бирга меҳнат жамоаси томонидан унга фаол тарбиявий таъсир ўтказилиши керак. Ахлоқ тузатиш ишларидаги жазолаш элементи жаримадагига нисбатан кўпроқ, демак қўрқитиш таъсири ҳам юқорироқ, дейишимиз мумкин. Бу жазоларни вояга етмаган жиноятчиларга қўлланиш амалиётини кўриб чиқсак улар, асосан, унча оғир бўлмаган жиноятлардан ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқ бўлган жиноятларни содир этган ёки нисбатан салбийроқ тавсифланган жиноятчиларга тайинланишининг гувоҳи бўламиз.

Жумладан, улар, аксарият ҳолларда, оғирлаштирувчи ҳолатларда ўғрилиқ жиноятлари ва талончилик жиноятларини содир этганлик учун тайинланади. Бунда, эътибор кўпроқ, жазонинг қўрқитиш элементига қаратилади, тарбиявий элементи эса меҳнат билан боғланади. Бироқ, ахлоқ тузатиш ишининг моҳияти меҳнат жамоасининг маҳкумга фаол тарбиявий таъсир этишдан иборат бўлиши керак. Сўз, вояга етмаганлар тўғрисида борганда эса ишнинг бу томонига кўпроқ эътибор берилиши керак. А.С. Макаренко айтганидек: “Сиз инсонни истаганча меҳнат қилишга мажбурлашингиз мумкин, аммо шу билан бирга сиз уни сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбияламасангиз, агарда у ижтимоий ва сиёсий ҳаётда иштирок этмаса, у ҳолда бундай меҳнат ижобий натижа бермайдиган нейтрал жараён бўлиб қолади”¹.

Республикамызнинг бозор иқтисодиётига ўтганлиги муносабати билан вояга етмаган жиноятчиларга бу каби жазоларни қўллаш имкониятлари торайиб бормоқда. Бироқ, судлар жарима ва ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш ҳисобига ўсмирларни жамиятдан ажратишни камайтиришга интиломқдалар.

Ахлоқ тузатиш ишларининг самарадорлигини ошириш учун ундаги тарбиявий таъсирни ошириш керак. Бунинг учун профилактика фаолиятига жамоатчиликни жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда ҳозирги даврдаги ижтимоий-иқтисодий шароитни инобатга олган ҳолда амалдаги ЖКга моҳияти ахлоқ тузатиш ишларига яқин шакли бирмунча фарқ қиладиган жазонинг янги турини киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазо чораларини кўпайтиришга интилиб, қонун чиқарувчи орган жиноий жазолар тизимига қамоқ жазосини киритган. Жиноий жазо сифатида қамокни қўллашнинг назарий ва амалий масалалари охириги йилларда тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Буни жиноятчининг шахси тўғрисидаги жиноий хулқ-атвор механизмига таъсир қилишнинг самарали йўллари тўғрисидаги билимларнинг кенгайиши, чет мамлакатларнинг тажрибасидан кенг

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қасаба уюшмаси Федерациясининг кенгаши билан маслаҳатлашган ҳолда ўрнатилади.

¹ Бабаев М.М. Индивидуализация наказания несовершеннолетних. – М.: Юр. лит. 1998. С.104.

фойдаланган ҳолда жиноят қонунчилигини либераллаштириш асосларини кетма-кетлик билан амалга ошириш орқали изохлаш мумкин. Бироқ вояга етмаганларга қамок жазосини қўллаш хусусиятлари деярли ўрганилмаган.

Қамок жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 84-моддасига мувофиқ вояга етмаганларга бир ойдан уч ойгача тайинланиши мумкин бўлиб, айбдор шахсларга қўлланиши мумкин бўлган жазонинг нисбатан янги туридир. Жиноят ижроия кодексининг 33-моддасига мувофиқ маҳкумлар ушбу жазони қамок уйида икки кишилик, тўрт кишилик ёки умумий камерада ўтайдилар. Шунга асосан, қамок ўз моҳиятига кўра қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилишдан иборат десак хато қилмаймиз. Буни қуйидагилар билан тасдиқлашимиз мумкин: биринчидан, жазонинг мазкур турига ҳукм қилинган шахс жамиятдан батамом ажратилган ҳолда, қаттиқ назорат остида ҳукм чиқарилган жойлардаги қамок уйларида сақланиши шарт. Иккинчидан, қонунда ЖК 84-моддаси билан қамокнинг муддатлари бир ойдан уч ойгача деб қатъий ўрнатилган. Демак жамиятдан ажратиш қисқа муддатлидир.

Вояга етмаган жиноятчига қамок жазосини қўллашни тартибга солувчи ЖК 48-моддасига таққослаб, ЖК 84-моддаси вояга етмаганларга қамок жазосини қўллашнинг аҳамиятли хусусиятларини назарда тутмайди. Бу, давлат мажбурлов чорасининг ягона спецификаси вояга етмаганларга нисбатан жазонинг энг кўп муддатини икки марта камайтирилганлигидан иборатдир.

Вояга етмаганга нисбатан содир этган жинояти учун қамок жазоси тайинланиши, фақат, тегишли модда санкцияси шу жазони назарда тутган вазиятдагина мумкин. Бундан ташқари, аввал белги-лаб ўтилганидек, ЖК 83-моддаси 2-қисмига мувофиқ, вояга етмаган шахс тайинланган ахлоқ тузатиш ишларининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд бу жазонинг ўталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини қамокнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, қамок жазоси билан алмаштиради, аммо бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

Тўғридан-тўғри жазо муддатини аниқдашда суд ЖК 84-моддаси ҳолатларига тенг равишда Махсус қисмнинг тегишли моддаси санкцияси таҳриридан келиб чиқиши лозим. Қисман, агар Махсус қисмнинг тегишли моддаси санкцияси ЖК 84-моддасида белгиланган чегарада жойлашган қамокнинг энг кўп чегарасини аниқдаса, унда амалда тайинланадиган жазо миқдори бундай чегарадан ошиб кетиши мумкин эмас. Худди шу вазиятда, яъни ЖК 84-моддаси назарда тутилганидан ортиқ бўлган, санкция қамок жазоси миқдорининг юқори чегарасини назарда тутса, у ҳолда ЖК 84-моддасининг ҳолатларига биноан вояга етмаганга тайинланган охириги жазо уч ойдан ошмаслиги лозим.

Кўрсатиб ўтиш зарурки, вояга етмаганларга нисбатан жазонинг қамоктури судланган шахснинг тузалиши, жиноий фаолиятининг давом этишига тўсқинлик қилувчи ҳамда умумий ва махсус пре-венцияси мақсадидаги самарали восита деб ҳисобланади. Аммо қамок, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазосини фақат, судланган шахсни жамиятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялаш имкони бўлмаган ҳоллардагина қўлланиши лозим. Шу муносабат билан қамок жазосини қўллаш ҳукмда албатта мотивлаштирилган бўлмоғи, жамиятдан ажратмасдан туриб жазодан кўзланган мақсадга эришиш мумкин эмаслиги асосланган бўлиши лозим.

Айрим муаллифларнинг фикрига кўра жиноят қонунчилигининг ривожланиб бориши билан қамокни қўллаш соҳаси қисқариб (торайиб) бориши керак¹. Айримлари эса қамок жазосини амалиётда қўлланилишини ошириш вояга етмаганларга тайинланадиган жазо тизими самарадорлигини оширишга кўмаклашган бўларди деб ҳисоблаб, буни қамокни амалда қўллаш ўсмирни узок муддатга озодликдан маҳрум қилишдан ажратувчи, ўзига хос чегара бўлиб хизмат қилиши билан, ҳамда қамокнинг

¹ Филимонов О.В. “Новые виды наказаний в России: проблемы и перспективы”.// Содействие становлению механизма реализации альтернативных мер наказания в Российской Федерации. Материалы международного семинара. Москва 2002. С.12-13.

жамиятдан ажратилган шароитга тушгандагина озодликнинг қадрига етувчи субъектларга таъсир кўрсата олиш билан изохлайдилар.

Ҳақиқатан ҳам бир томондан, айрим жиноятлар содир этилганда ўсмирлар жазонинг моҳияти ва жазолов таъсирини тушунишга қодир бўлмаган жарима жазоси тайинланади. Айни пайтда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳаддан зиёд оғир бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай ҳолларда қамоқ жазосини тайинлаш муаммонинг қулай ечими бўлиши мумкин, деб ҳисобланади. Шу билан бирга қамоқ жазосини қўллаш жазоларнинг энгилдан оғирига ўтишини кетма кетлик билан амалга оширишни таъминлаши мумкин. Бироқ уни ўташ шароитлари жазони мазкур турини вояга етмаганларга қўллашнинг мақсадга мувофиқ эканлигини ўрганишга даъват қилади. Хўш, қамоқнинг маҳкумга жазолаш ва тарбиялаш таъсири нимадан иборат.

Қамоқнинг моҳияти тўғрисидаги масалани аниқлаш назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Агарда қамоқ қаби жазо билан айбдорни тузалиши ва қайта тарбияланишига эришиб бўлмаса, у ҳолда уни вояга етмаганларга қўллашни суд амалиётидан чиқариб ташлаш керак, чунки бундай шахсларни жазолаш уларнинг ахлоқан тузалиши, қайта тарбияланиши ва янги жиноят содир этилишининг олдини олиши учун зарур ҳамда етарли даражада бўлиши керак.¹ Жазони ҳар бир муайян турининг табиатини тахлил қила туриб, биз ҳар қайси жазо айбдорни тузатиш ва қайта тарбиялаш вазифасига бўйсундирилганлигини кўрамиз, аммо бу мақсад жазолаш ва тарбиялаш воситаларининг турли комбинациялари орқали эришилади.

Бу воситалар эса жазонинг ҳар бир турига турли даражада хос ва судланувчи манфаатлари ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларига таъсир кўрсатишга қаратилган.

Қамоқ жазосини қўллаш ҳолларида жазо мақсадларини амалга оширишга айбдорнинг эркини чеклаш орқали эришилади. Қамоқда қайта тарбиялаш элементлари кўрқитиш ва изтироб чекишда мужассамлаштирилган бўлиб шулар орқали шахснинг жиноят содир этилишига олиб келган салбий сифат ва хусусиятларига таъсир этилади. Бундай дейишимизга Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 35, 42, 43-моддалари асос бўлиши мумкин. ЖИКнинг 35-моддасига кўра қамоқ жазосини ўташлик турма шароитига яқинлигини кўрамиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 42-моддасига асосан қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар қамоқ уйининг хўжалик хизматига оид ишларга, ҳафтасига тўрт соатгача бўлган муддатга, ҳақ тўламаган ҳолда жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 43-моддасида “маҳкумлар билан тарбиявий иш қамоқ уйларининг маъмурияти томонидан ушбу кодексда баён этилган принциплар асосида олиб борилади”, - деб кўрсатилган ҳолос. Қамоқ жазосининг муддатлари қисқа бўлганлиги сабабли у ерда умумий таянч, касб-хунар таълими амалга оширилмайди, меҳнатга жалб этиш ҳам озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатидан батамом фарқ қилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики қамоқ жазоси муддати, ва бошқа шартларни инобатга олмаса, турма жазосини ўташ шароитидан деярли фарқ қилмайди.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг нормаларидаги санкциялари билан танишиб чиқишнинг ўзи қамоқ жазоси ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар учун айрим ҳолларда эса унча оғир бўлмаган жиноятлар чун озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил жазо чораси сифатида назарда тутилганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Умумий қисмидаги жазо тизимида тутган ўрни қамоқни озодликдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан энгилроқ жазо деб қарашимизга асос бўлади. Бироқ озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам миқдори тайинланган судланувчиларнинг вазияти уч ой қамоқ жазоси тайинланган маҳкумнинг вазиятидан анча қулайроқ бўлиши турган гап. Бу ҳол эса қамоқ жазоси озодликдан маҳрум қилишга

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2000 й. 22 декабрдаги Пленумининг “Жиноят учун жазо тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида”ги қарори. Ташкент 2001. Б.14

муқобил жазо деб кўрсатилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43 ва 81 – моддаларига мувофиқ келмайди.

Қамоқ жиноий жазонинг мақсадларига қандай эришиши мумкин? Агарда биз жазонинг мақсади маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ва маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишдан иборат десак, қамоқ жазоси маҳкумни жиноий фаолиятини муайян муддатга (1 ойдан 3 ойгача) давом эттиришга тўсқинлик қилиши мумкин. Маҳкумни ахлоқан тузатишга қурби етмайди, чунки юқорида кўрсатиб ўтилганидек, қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар билан тарбиявий ишлар етарли даражада олиб борила олмайди, улар ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилмайдилар (қамоқ уйларидаги ҳўжалик ишлари бундан мустасно), уларнинг умумий маълумоти, касбий маълумоти ва касбий тайёргарлиги назарда тутилмаган. Демак, вояга етмаган маҳкумлар қамоқни ўташ вақтида мажбурий равишда “бекорчилик” билан шуғулланадилар. Улар икки кишилик ёки умумий камераларда ўзига ўхшаган тенгдошлари билан ўз-ўзларига ташлаб қўйилганлигини ҳам инобатга олсак, қамоқ жазоси қайта тарбиялаш ва тузатиш воситасидан унинг тўла қарама-қарши кўринишига айланади. Айрим муаллифларнинг кўрсатишича “жиноятчиликни умумий олдини олиш соҳасида жазо кўрқитиши керак, махсус олдини олишда тузатиш ва ...тарбиялаши керак маҳкумни кўрқитиш эса назарда тутилмайди”.¹

Бир томондан олиб қараганда, қамоқ шахснинг кўпгина ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди, маҳкумга талайгина изтироб етказди. Бошқа томондан эса уни ўташ муддатлари қисқа. Шуларни инобатга олганда қамоқ жазоси маҳкумни тузатиш мақсадига ҳам айнан унга изтироб бериш орқали эришилади, деган фикрда қонун чиқарувчи орган жазонинг бу турини киритган деб ҳулоса қилишимиз мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилишнинг ўрнига қамоқ жазосини қўллашга интиладилар. Бироқ ушбу жазони ўташ тартибининг оғирлиги ҳамда уни таъминлаш имкониятининг камлиги амалиётда жазонинг бу турини кенг қўллашга йўл қўймайди.

Судланувчига нисбатан жазо тайинлаш судлар фаолиятининг муҳим ва ҳал қилувчи босқичидир. Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги жиноятчиликка қарши курашишдаги қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, адолат, демократия ва инсонпарварлик принципларига асосланади. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо айбдорни тарбиялаш ва янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадини кўзлаганлиги туфайли юқоридаги принциплар вояга етмаганларга нисбатан муайян тасниф асосида қўлланилади².

ЖК 85-моддаси вояга етмаганларга қўлланиладиган жазо тизимидаги энг оғир давлат мажбурлови — озодликдан маҳрум этишни тайинлашнинг хусусиятларини регламент қилади. Бу жазонинг оғирлиги шундан иборатки, у судланган шахсни жамиятдан ажратиб тарбия колониясига жойлаштириш орқали бажарилади. Шу вақтнинг ўзида, озодликдан маҳрум этишнинг аҳамияти вояга етмаганлар учун жиноий жазо мақсадларига етишишдаги самараси билан ифодаланади.

ЖК 85-моддаси 1-қисмига мувофиқ, «Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно». Вояга етмаганлар учун озодликдан маҳрум этишнинг икки марта пасайтирилган энг кўп чегараси жиноят қонунида инсонийлик ва адолатлилик принципларини кетма-кетликда татбиқ этилаётганидан гувоҳлик беради. Қонун чиқарувчининг бундай позицияси, вояга етмаган судланганларнинг тузалишлари

¹ Когон В.М. “Социальный механизм уголовно-правового воздействия”. Москва. 1993. ст. 159.

² Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганлар жинояти ҳақидаги суд амалиёти тўғрисида»ги қарори.

мақсадида, жиноий фаолиятларини давом эттиришларига тўсқинлик қилиш ҳамда умумий ва махсус превенцияси, судланган шахсни жамиятдан анча камроқ муддатларга ажратишга мос келиши билан тушунтирилади, узоқ муддатга озодликдан махрум этишни қўллаш эса ўз самарадорлигини йўқотади.

Вояга етмаган шахсга содир қилган битта жинояти учун жазонинг озодликдан махрум қилиш турини ўн йилдан ортиқ муддатга тайинлашга йўл қўйилмайди. Шунинг учун, агар Махсус қисмининг аниқ моддаси санкцияси ЖК 85-моддасида кўрсатилган жазонинг энг кўп чегарасини назарда тутса, унда тайинланадиган энг кўп жазо миқдори ЖК 85-моддаси ҳолатларига мувофиқ чегараланиши лозим. Бироқ Махсус қисмининг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жазонинг энг кам миқдори ЖК 85-моддасида кўрсатилган энг кўп миқдордан ошиб кетса, суд жазони умумий ҳолатларга йўналтириб тайинлаши лозим. Шу сингари, масалан, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилган бўлса, бу жиноятни содир этганлик учун ЖК 97-моддаси 2-қисми санкциясига мувофиқ, энг кам озодликдан махрум этиш муддати 15 йилни ташкил этишига қарамасдан, вояга етмаганга нисбатан озодликдан махрум этиш жазо тури ўн йилгача бўлган муддатга тайинланади (ЖК 85-моддаси 3-қисми «в» банди)¹. Бундай вазиятларда судларга ЖК 85-моддаси тегишли қисмига асосланишга тўғри келади, ЖК 57-моддасига асосланиш ЖК Махсус қисми аниқ моддаси санкциясида назарда тутилмаган анча енгил жазо турини тайинлаш ҳолатини мустасно қилганда талаб қилинмайди. Масаланинг бошқача ечими 18 ёшга етмаган шахслар учун оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлари учун жазонинг асосланмаган пасайтирилишига олиб келар эди.

Вояга етмаган шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятлар содир этилган вазиятларда, озодликдан махрум қилишнинг энг кўп муддати ошади. Бундай ҳолатда жазонинг энг кўп муддати тўғрисидаги масала жиноят қилган шахснинг ёшидан ҳамда жиноятдан келиб чиқиб ечилади.

Озодликдан махрум этиш энг қаттиқ жазо бўлиб, вояга етмаганга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши билан кузатилади. Шунинг учун «вояга етмаганларга жазо тайинлаш масаласини ечишда, суд, энг аввало, содир қилинган жиноят тавсифини, жамиятга хавфлилик даражасини, шахс тўғрисидаги маълумотни ва жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони қўллаш имкониятларини муҳокама қилиши лозим. Суд вояга етмаганга озодликдан махрум қилиш кўринишидаги жазони белгилашда, фақат шундай ҳолатларда, қачонки жамиятдан ажралмаган ҳолда унинг тузалиши мумкин бўлмаса, ҳукмда, албатта, қабул қилинган қарорни асослаш билан қабул қилишга ҳақлидир»¹.

Қисман, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир қилишда айбдор бўлган, аввал судланган, ички ишлар идораларида қонунбузарликлари учун ҳисобда турган вояга етмаган шахсларга нисбатан енгилликларга йўл қўйилиши мумкин эмас. ЖК 85-моддаси 2-қисми озодликдан махрум қилиш жазоси жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан қўлланилишини белгилайди. Озодликдан махрум қилиш жазосининг жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан қўлланилишини эса ЖК 85-моддаси 3-қисми тартибга солади. Озодликдан махрум қилишда бундай чегаралашнинг зарурияти, вояга етмаганларга нисбатан, уларнинг психик ва жисмоний ривожланишларини ҳисобга олган ҳолда самарали ва инсоний қўлланилиши талаблари билан белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Тошкент, Адолат, 2011, -Б. 50.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақида ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 2-жилд. –Б. 23.

ЖК 85-моддаси 2-қисмига мувофиқ, «Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- а) унча оғир бўлмаган жиноят учун — уч йилгача;
- б) оғир жиноят учун — олти йилгача;
- в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади».

Худди шу модданинг учинчи қисмига мувофиқ, «Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- а) унча оғир бўлмаган жиноят учун — тўрт йилгача;
- б) оғир жиноят учун — етти йилгача;
- в) ўта оғир жиноят учун — ўн йилгача муддатга тайинланади».

Мазкур модданинг тўртинчи қисмида таъкидланганидек, вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Бунда, вояга етмаган шахс томонидан содир этилган бундай қилмишлар сони аҳамиятга эга эмас.

“Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланаётганда Жиноят кодекснинг 85-моддасини тадбиқ этишнинг ўзи етарли бўлиб. Жиноят кодекснинг 57-моддасини қўшимча қўллаш талаб этилмайди. Судланувчига у айбдор деб топилган Жиноят кодекси махсус қисмининг моддасида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазоларнинг тайинланиш ҳоллари бундан мустаснодир”¹.

ЖК 85-моддаси 5-қисмига мувофиқ, ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ тайинланади. Бу колониялар, озодликдан маҳрум қилинганлар учун мўлжалланган муассасалар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди, бу биринчидан, вояга етган жиноятчилар шароитларига нисбатан имтиёзлроқ шароитларни ўрнатишда, иккинчидан, вояга етмаганларнинг беқарор психикасини ҳисобга олувчи, уларни ўқитиш жараёнида айбдорларга таъсир этувчи асосий восита бўлган, турли хил тарбиявий-психологик-педагогик усулларни қўллашга йўналтиришда, спорт ва маданий тадбирларни ўтказишда ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида ифодаланади.

Тарбия колонияларида судланганлар жазо муддатини ўтагунларигача ёки ЖК 87-, 89-, 90-моддалари тартибида жиноий жазодан озод этилгунларигача ёки вояга етгунларигача сақланадилар. 18 ёшга тўлганларидан кейин салбий тавсифли судланганлар жазони кейинчалик ўташ учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ, маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия билан келишилган такдимномасига биноан судья томонидан амалга оширилади. Ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоғи билан йигирма ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин (ЖПК 537-моддаси 3- ва 4-қисмлари).

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар тарбия колонияларида қолдирилади.

Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилади (ЖИК 128-моддаси).

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақида ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари билан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 2-жилд. —Б. 23.

Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.

Назарда тутиш лозимки, вояга етмаганларга нисбатан унинг содир қилган қилмиши оғирлигидан ҳамда айбдор шахсининг жамиятга хавфидан қатъи назар, турма қамоғи қўлланилиши мумкин эмас. Турмалар вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган (ЖИК 45-моддаси 6-қисми).

2-§. Вояга етмаганларга жазо тайинлаш.

Жазо тайинлаш ижтимоий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш жараёнидаги асосий бўғинлардан биридир. Жазо тайинлаш институтининг бундай аҳамияти шу билан изоҳланадики, жазонинг ўзи жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизми тизимидаги асосий элемент бўлиб, давлат мажбурлов чорасини танлаш жараёни қанчалик тўғри ва самарали ташкил этилганлигига унинг таъсир этишининг самараси анча даражада боғлиқ бўлади.

Адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга — маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади¹. Бундан ташқари, асослантирилган жазони тайинлаш қонунийлик, хавфсизлик ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишнинг энг муҳим таркибий қисми бўлади, шу билан бирга инсон ҳуқуқлари соҳасида демократик институтларни ривожлантиришнинг ишончли кафолати бўлади.

«Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин»².

Жазо тайинлашнинг умумий асослари ЖК Умумий қисми нормаларининг предметли акс этиши бўлади. Айни пайтда улар жазо тайинлашда алоҳида мажмуалар бўлмай қолади, балки яхлит ва тизимли қоидаларга — моҳияти қўлланадиган давлат мажбурлов чораларини индивидуаллаштириш бўлган асосларга айланади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, жазони индивидуаллаштириш жазони тайинлаш жараёнида бошқа умумий меъёрларга: инсонпарварлик ва адолат тамойилларига амал қилишни истисно этмайди, балки талаб этади.

Алоҳида нормаларда тартибга солиш — ЖК 86-моддаси вояга етмаган жиноят содир этган шахсларга жазо тайинлаш хусусияти, жиноят қонунини бир тарзда қўллаш учун ҳуқуқни қўллаш фаолиятида вояга етмаганларга нисбатан инсонпарварлик ва адолатлилик принципларини кетма-кет мужассамланишига шароит яратади ҳамда шу тоифа шахслар учун жазонинг индивидуаллашувини аниқ ўтказиш имконини беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1- сонли қарори // Тўплам, 2-жилд. – Б. 225.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 1-жилд. –Б. 91.

ЖК 86-моддаси 1-қисми ҳолатлари вояга етмаган шахсларга жазо тайинлашда умумий талабларни бириктиради. Бу талабларнинг мазмуни жазони танлашда фақат жазо тайинлашнинг умумий асосларини эмас (ЖК 54-моддаси), балки айбдор шахсига таъсир этувчи ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш заруратидан иборатдир. Шундай экан, «суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади»¹.

Вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси деганда, кўрсатилган меъёрлар мазмунида, ўн саккиз ёшга етмаган шахснинг унинг тенгдошига нисбатан аниқланган ақлий ривожланиш даражаси тушунилади. Шахснинг ривожланиш даражаси, шундай ёшдаги шахсларга қўйиладиган умумий талабларга мос бўлиши (меъёрий ривожланиш даражаси) ёки мос бўлмаслиги ҳам мумкин. Охирги ҳолатда шахснинг ривожланиши илгарилаб кетган (шу ёшдагиларга нисбатан ақлий ривожланиш даражаси умумий ривожланиш даражасидан анча ошиб кетади) ёки орқада қолган (ақлий ривожланиш даражаси меъёрдан анча паст).

Назарда тутиш лозимки, ЖК 87-моддаси 3-қисмига мувофиқ, вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

Интеллектуал ривожланиш даражаси бўйича ўз тенгдошларидан илгарилаб кетган, аммо содир этган қилмишлари учун қонунда ўрнатилган жавобгарлик ёшига етмаган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар.

Вояга етмаганларнинг турмуш шароити ва тарбияси ўзида 18 ёшга етмаган аниқ шахсга нисбатан ўрнатилган, унинг турмуш шароитини ва унга қўлланилган услублар, усуллар ва тарбиялаш воситаларини тавсифловчи ҳолатларни назарда тутати.

Вояга етмаган шахсни турмуш шароити ва тарбиясини аниқлаш тартибида суд унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахс борлигини, уларнинг вояга етмаган шахсга муносабатини ҳамда оиладаги бошқа шахсларнинг борлигини ва уларнинг айбдор билан муносабатларини аниқлаб чиқиши лозим. Бундан ташқари, 18 ёшга етмаган шахсларнинг турмуш шароити ва тарбиясини аниқлашда суд, яна унинг моддий таъминланганлигини, унга қўлланилган услублар, усуллар ва тарбиялаш воситалари тавсифини ёхуд уларнинг йўқлигини аниқлаши лозим. Бунда, шуни назарда тутиш лозимки, агар ишлаб чиқариш жараёнида тарбиялашда қўлланилган воситаларнинг етарли эмаслигидан гувоҳлик берувчи ҳолатлар ёхуд, аксинча, вояга етмаган шахснинг ривожланишига салбий таъсири аниқланса, суд ҳар бир вазиятда ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар жавобгарлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришмоғи лозим. Қисман, агар шу шахслар томонидан, вояга етмаганнинг ривожланишига объектив салбий таъсир этадиган бундай тарбия шароитлари қўлланилган бўлса, суд ота-онасининг иш жойига ёки судланган шахснинг ота-онасининг турар жойига тегишли хусусий ажрим йўллаши лозим.

Соғлиғининг ҳолати деганда, вояга етмаган шахснинг нафақат касаллик ёки жисмоний камчиликлари йўқлиги ёки мавжудлигини, шу билан бирга унинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ҳолати даражасини ҳам тушуниш зарур¹. Соғлиғининг ҳолатини аниқлашда суд, энг аввало, унинг жисмоний ва психик ривожланиши даражасини ҳамда ижтимоий муносабатларни тавсифловчи иш ҳолатларини ўрганмоғи лозим.

Вояга етмаганга жазо тайинлашда суд қилмишнинг субъектив томонига жиддий эътибор қаратмоғи лозим бўлади. Лекин жазо тайинлашда мотивлар, яъни вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишга нисбатан ички кечинмалари ҳисобга олинмоғи лозим.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Тошкент, Адолат, 2011, -Б. 51.

¹ Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотининг Низоми (Конституция), (Нью-Йорк, 1994 й. 22 июль; Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 25 майдан буён ХССТ нинг аъзоси ҳисобланади), преамбуланинг 2- қисми.

Паст ниятли мотивлар ва мақсадлар (кўролмаслик, ғараз, миллатлараро ёқий ирқий душманлик, бошқа жиноятни яшириш мақсади ёқий уни содир этишни енгиллаштириш ва х.к.), одатда, судланган шахснинг аҳволини оғирлаштиради, ижтимоий қабул қилса бўладиган мотивлар (ёлғон ўртоқлик туйғуси, айрим ҳолатларда рашк, ўч олиш) унинг иштирокини енгиллаштиради.

Катталарнинг вояга етмаганларга таъсири қонун билан, вояга етмаган айбдор шахсни тавсифловчи ва суд жазо тайинлаётганида ҳисобга олиниши лозим бўлган алоҳида ҳолат сифатида ажратилган. Бунда, вояга етмаган шахсларга жазо тайинлаш мақсадлари учун, 18 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан каттанинг қандай муносабатда бўлганлиги: у жиноят иштирокчисими ёқий ундан жабрланганми аҳамиятга эга эмас. Шу билан бир вақтда, ҳар бир вазиятда ҳам суд «вояга етмаганларнинг катта ёшлилар иштирокида содир этган жиноятлари ҳақидаги иш кўриб чиқиладиганда, катта ёшдаги шахс ва ўсмир ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятини синчиклаб аниқлаши лозим, чунки ана шу маълумотлар катта ёшли кишининг вояга етмаганни жиноят ёқий ғайриижтимоий ҳаракат содир этишга жалб қилишдаги ролини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин».

Судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларга вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилсин. Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёқий шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёқий билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖК 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Агар вояга етмаган шахснинг жиноят содир этишига катта ёшдагиларнинг, шу жумладан, иш юзасидан жабрланувчи деб эътироф этилган шахсларнинг ғайриконуний ёқий ёмон ҳулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, суд бу ҳолатни жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиши, шунингдек, зарур ҳолда хусусий ажрим чиқариб, қайд этилган шахсларнинг иш ёқий яшаш жойларига муҳокама қилиш учун юбориши лозим¹.

Жиноят кодексининг 55-моддаси «г» бандига кўра, жиноятнинг жисмоний ёқий руҳий таъйиқ ўтказилиши натижасида содир этилиши ёқий худ вояга етмаган шахснинг моддий томондан, хизмат ёқий бошқа жиҳатдан қарамлиги сабабли содир этилиши жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат эканлигини ҳам назарда тутиш керак². Шу муносабат билан судлар вояга етмаган шахсга нисбатан, айнан қандай жисмоний ёқий руҳий таъйиқ ўтказилганлигини аниқлашлари шарт.

Жазо тайинлашда суд ҳисобга олиши лозим бўлган вояга етмаган шахсга таъсир этувчи бошқа ҳолатларга, вояга етмаганнинг ёши, биринчи марта жиноят содир этганлиги, чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбини бўйнига олиб келиши, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериши, жиноятни оғир шахсий ва оилавий ҳолатлар туфайли содир этганлиги киради. Назарда тутиш лозимки, суд томонидан айбдор шахсга таъсир этувчи бошқа ҳолатлар аниқланса, улар суд ҳукмида кенг ифодаланган бўлиши лозим.

ЖК 86-моддаси 2- ва 3-қисмлари содир этилган бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидаларини назарда тутди. Бу ҳолатларнинг фарқловчи хусусиятлари, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашда жавобгарликка тортилаётган вояга етмаганни маълум ёш даврига боғлиқ равишда ва содир этган жиноятининг оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда пасайтирилган энг кўп чегараларни белгилашдан

¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқи курси. 2-том. “Илм-зиё” нашриёт уйи, Тошкент, 2011, -Б. 248.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақида ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари билан киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 2-жилд. -Б. 23-24.

иборатдир. ЖК 86-моддаси 2-қисмига мувофиқ, «ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади». ЖК 86-моддаси 3-қисмига мувофиқ, «ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси — ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин».

Бошқа ҳолатлар бўйича 18 ёшгача жиноят содир этган шахсларга бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари ЖК 59-моддасида кўрсатилганидан ҳеч ҳам фарқ қилмайди.

ЖК 86-моддаси 4-қисми суд томонидан вояга етмаганларга қўлланиши мумкин бўлган бир неча ҳукмлар бўйича озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазонинг энг кўп чегарасини белгилайди. Ушбу меъёрга мувофиқ, «жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак».

Умуман олганда, 18 ёшгача бўлган ёшда жиноят содир этган шахсларга жазо тайинлаш қоидалари ЖК 60-моддасида назарда тутилган қоидалар билан бир хилдир.

ЖК 86-моддаси 5-қисми вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ушбу Кодекснинг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, «вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноят ишлари юзасидан ҳукм чиқаришда уларнинг жиноий қилмишларига ҳолисона баҳо берилиши, уларга нисбатан ЖК 72-, 87-моддаларини қўллаш масаласини судлар атрофлича, ҳар томонлама муҳокама қилишлари лозим.

Судлар вояга етмаганларга нисбатан ЖК 72-моддасини қўллаганларида судланган шахсга синов муддати даврида қандай муайян мажбуриятлар юклатилишини (ўқишни яқунлаши, ишга жойлашиши ва ҳоказолар) ҳукмда аниқ кўрсатишлари шарт»¹.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ЖПК 563-моддасига мувофиқ, вояга етмаган судланувчига нисбатан ҳукм чиқаришда суд, ушбу Кодекснинг 457-моддасида кўрсатилган масалалардан ташқари, башарти вояга етмаган шахс шартли ҳукм қилинса, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланса, вояга етмаган шахсга жамоат тарбиячиси тайинлаш зарурлигини муҳокама қилишга мажбур.

4-боб. Вояга етмаганларга тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш хусусиятлари

Тамом бўлмаган иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашни тартибга солувчи нормалар ва бу соҳадаги айрим чет давлатлар қонунларини таҳлил

¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳуқуқи курси. 2-том. “Илм-зиё” нашриёт уйи, Тошкент, 2011, 250-бет.

қилиш асосида қуйидагилар аниқланди: тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичида тўхтатилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси доим тамом бўлган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан камроқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда тамом бўлмаган жиноят учун тайинланадиган жазонинг юқори чегараси белгиланмаган, демак бу муддат тегишли модданинг санкциясида кўрсатилган энг кўп муддати билан чегараланиши мумкин. Бу ҳолат тайинланаётган жазони индивидуаллаштириш мақсадини кўзласада, одиллик ва айб учун жавобгарлик принципларига мувофиқ келмайди.

МДХ давлатларидан Россия Федерациясининг ЖК 66-моддаси 2-қисмида жиноятга тайёргарлик кўриш учун тайинланадиган жазо Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазонинг максимал муддати ёки ушбу миқдорнинг ярмидан ошиб кетмаслиги белгиланган. Шу модданинг 3-қисмида эса жиноятга суиқасд қилиш учун тайинланадиган жазо мазкур Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазонинг максимал муддати ёки унинг тўртдан уч қисмидан ошиб кетмаслиги белгиланган. Қозоғистон Республикаси жиноят қонуни бу борадаги Россия жиноят қонунини айнан такрорлаган. Европа мамлакатларидан Дания, Голландия, Швейцария ва Австралияда тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашда судларга катта имконият яратилган бўлиб, жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилши учун жазо тайинлашда айбдор шахсининг хусусиятига кўпроқ эътибор бериш лозимлиги таъкидланган.

Аксарият мамлакатларнинг жиноят қонунида жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг максимал муддати ёки миқдори тамом бўлган жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг максимал муддати ёки миқдорига нисбатан киритилган.

Вояга етмаган жиноятчилар ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятга тайёргарлик кўрган ёхуд суиқасд қилган ҳолларида вояга етмаганларни жазодан ёки жавобгарликдан озод қилиш, оғир ёки ўта оғир жиноятларга тайёргарлик кўрилган ёки суиқасд қилинган бўлса, амалда жазо тайинланиши мумкин, бироқ бунда ҳам вояга етмаганларга тамом бўлмаган жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган жазони қисқартиришни назарда тутувчи алоҳида моддани киритиш кераклиги ҳақида таъриф берилган.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг ярмига яқини гуруҳ бўлиб содир этилади. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда ҳар бир шахснинг жиноятда ҳақиқатдан иштирок этганлиги, шахс иштирокининг жиноий мақсадга эришишдаги аҳамияти, унинг жиноят натижасида етказган ёки етказилиши мумкин бўлган зарарнинг хусусияти ва миқдорига таъсири чуқур ўрганилиши лозим.

Криминологик нуқтаи назардан тенг шароитларда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқ бўлади, чунки жиноят содир этиш мақсадида ҳаракат қилаётган шахсларнинг кучлари бирлашади. Улар алоҳида ҳаракат қилганларида эса жиноий оқибат юз бермаслиги ҳам мумкин бўлади. Кўриб чиқиладиган муаммонинг криминологик жихати иштирокчиликнинг жиноят ҳуқуқий жихатини белгилаб беради, унга айнан ўхшаш эмасдир. Буларнинг барчаси вояга етмаган иштирокчиларнинг жиноий жавобгарлигини максимал даражада индивидуаллаштириш лозимлигидан далолат беради. Шунинг учун жазо тайинлашда гуруҳни тавсифловчи белгиларни кўраётган ҳолда тайинланган жазони асослантираётган судлар тўғри йўл тутадилар. Бу белгиларни эътиборга олиш ҳар бир иштирокчига тайинланган жазони индивидуаллаштиришни енгиллаштирибгина қолмасдан, балки ҳукмнинг тарбиявий аҳамиятини ҳам оширади, чунки агар жиноятларни содир этишда иккинчи даражали иштирокчига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланаётганида содир этилган қилмиш билан тайинланган жазо миқдори ўртасида вужудга келадиган тафовутни қисқарилишига имконият беради.

Вояга етмаганларни жазодан озод қилиш билан боғлиқ бўлган айрим масалалар, хусусан вояга етмаганларни шартли ҳукм қилиш ва мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилишнинг ҳуқуқий табиати, уларнинг самарадорлиги ва вояга етмаганлар жиноятчилиги билан курашда тутган ўрни таҳлил қилинди.

Бунда вояга етмаганларни шартли ҳукм қилишнинг аҳамияти, унинг моҳиятига тегишли бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Жиноий жазоларни либераллаштириб, жазо тайинлаш борасида ислохотлар ўтказилаётган бир шароитда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашда шартли ҳукмга катта эътибор қаратилмоқда. Вояга етмаган жиноятчиларни шартли ҳукм қилиш бўйича суд амалиётининг таҳлили унинг: 2001 йил-45,0%; 2002 -52,9%; 2003 -53,8%; 2004 - 41,1%; 2005 - 40,7% судланларга нисбатан қўлланилганлигидан далолат беради. Вояга етмаганларнинг 2000-2005 йиллардаги жиноят ишларини ўрганиш, шартли равишда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган вояга етмаганларнинг 60% ҳукм қилинганидан кейин қайта жиноят содир этганлигини кўрсатди.

Фикримизча, шартли ҳукм ЖКнинг жазодан озод қилиш тўғрисидаги бобига киритилганлиги сабабли у жазодан озод қилиш ҳисобланади, шунинг учун ЖК 86-модда 5-қисмидан чиқариш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шартли ҳукм ўзига хос хусусиятлари билан жиноят ҳуқуқий чоралар орасида ажралиб турганлиги учун, унинг маҳкумга кўрсатадиган таъсири ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Уни вояга етмаганларга нисбатан қўллаш жараёни тўғри йўлга қўйилса, шартли ҳукм жиноятларни олдини олишда самарали бўлиши мумкин.

Фикримизча, шартли ҳукм қилинган вояга етмаганлар зиммасига юклатиладиган мажбуриятларнинг тарбиявий таъсирига етарли даражада эътибор берилмаган. Вояга етмаганларни шартли ҳукм қилиш, фақат маҳкум томондан қасддан янги жинят содир этишига йўл қўймаслик мақсадини кўзламасдан, балки уни ахлоқан тузатишни ҳам назарда тутди. Демак вояга етмаганларга ушбу чора қўлланилганида, судлар томонидан шартли ҳукмни ўташнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олиш керак. Вояга етмаганларни шартли ҳукм қилишда, уни ЎЗР ЖК 88-моддасида назарда тутилган мажбурлов чоралари билан биргаликда қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашда мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш институтининг аҳамияти, мажбурлов чораларининг хусусиятини таҳлил қилдик.

Умуман жиноятчилик ва хусусан вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашда ижтимоий-иқтисодий чоралар биринчи ўринда туришини инобатга олган ҳолда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган вояга етмаган жиноятчиларнинг шахсига доир белгиларга эътибор қилиб, жазодан озод қилган ҳолда кенг жамоатчиликни жалб қилиб, тарбиявий таъсир чораларини қўллаш орқали жиноятчиликни олдини олиш катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг 30.09.2005 йилдаги №УРҚ-10 қонунига мувофиқ ЖК 87-моддаси 2-қисмига киритилган ўзгартириш аниқ берилмаган. Бунга сабаб унча оғир бўлмаган жиноятларга, юқорида кўрсатилганидек, қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоси назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради. Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятлар фақат қасддан содир этилган бўлиши лозим. Бироқ, киритилган ўзгартиришда айб шакли бўйича маълумот берилмаган. Вахоланки, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган ва уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти қасддан содир этилиб қонунда уч йилдан ортиқ аммо беш йилдан кўп бўлмаган

муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги билан бир хилдир.

ЖК 88-моддаси 2-қисмида вояга етмаган шахсларни махсус ўқув тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан беягиланади, деб кўрсатилган холос. Агар фақат ЖКга асосланиб, айнан қандай тоифадаги вояга етмаган жиноятчиларга нисбатан мажбурлов чорасининг мазкур тури тайинланиши тўғрисида хулоса чиқариши мушкул бўлади. Шунинг учун махсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси, биринчидан - нисбатан салбий тавсифланадиган ўсмирларга тайинланиши керак, иккинчидан - вояга етаётган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларда бўлиш тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирига оид ишларни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади, учинчидан - 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахс махсус касб-хунар коллежига юборилиши мумкин. Шунингдек ЖКда унинг минимал ва максимал муддатлари белгиланмаган.

Юқорида зикр этилганларни эътиборга олган ҳолда ва қонунни бир хилда қўлланишини таъминлаш мақсадида қонунда бу чоранинг максимал муддати аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

ХУЛОСА

“Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратганимиз бежиз эмас. Ана шундай ёндашув туфайли бу борадаги ишларнинг кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги ўн йилликда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди”¹.

Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қўлланадиган мажбурлов чораси бўлиб, жиноят учун жазо тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фақат судга тегишлидир. Суд ҳукми билан тайинланган жазонинг адолатли бўлиши, жиноят содир этган шахснинг айби даражасига мос бўлиши маҳкумга нисбатан тайинланган жазонинг мақсадига тезроқ эришишнинг муҳим омили бўлиши билан бирга, жиноят қонунини одиллик принципини амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Жазодан у бериши мумкин бўлмаган натижани қўллаш мумкин эмас. М.Д Шаргородский «Муайян ижтимоий муносабатлар туғдириб турадиган жиноятчиликни у

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси // «Халқ сўзи». 2010 йил 13 ноябрь.

йўқота олмайди, аммо у муайян ижтимоий шароитда жиноятчиликка таъсир қилиш, жиноятчиликни ўз ишига тўсқинлик қилиш, камайишига таъсир қилиши мумкин» - дейди.

Бизнинг фикримизча жазо тизимига қуйидагича таъриф бериш маъсадга мувоқидир: "Жазо тизими - давлатни ижтимоий иқтисодий ривожланишининг муайян босқичида жиноят қонуни вазифаларини ҳал қилишга қодир бўлган, оғиридан енгилга қараб, илмий кетма-кетликда берилган жазолар рўйхатидир".

Вояга етмаганларга жазо тайинлаш масалаларини илмий таҳлил қилиш, ўрганилган муаммо бўйича қатор хулосалар қилишга, айрим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга имконият яратди:

1. «Вояга етмаганларга жазо тайинлаш уларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш мақсадларига қаратилган бўлиши керак. Ушбу мақсадларга енгилроқ жазо турларини тайинлаш орқали эришиш имконияти бўлмагандагина жазонинг оғирроқ турлари тайинланиши лозим».

2. Вояга етмаганларга қўлланадиган жиноят ҳукукий чораларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, вояга етмаганларга тайинланиши мумкин бўлган жазо тизимидан қамоқ жазосини олиб ташлаш таклиф қилинмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, қамоқ жазоси қамоқ уйларида ўталади. Уни ўташ тартиби турма жазосини ўташ тартиби билан тенглаштирилган, шу билан биргаликда қамоқ жазосини ижро этиш вояга етмаган жиноятчилар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, уларни ўқишини ташкил қилиш имконини бермайди.

3. Шартли ҳукм жазо эмас, балки жазодан озод қилишнинг тури эканлигини ҳамда вояга етмаган жиноятчиларга нисбатан қўлланилаётганда ҳеч қандай алоҳида хусусиятга эга эмаслигини инобатга олган ҳолда ЖК 86-моддаси 5-қисмини чиқариб ташланиши керак.

4. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этилишини олиб ташлаш таклиф қилинади. Бунинг сабаби сифатида вояга етмаганларнинг барча хусусиятлари уларга тайинланаётган жазоларни индивидуаллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси XV бобида эътиборга олинганлиги ва жазо тайинлашда бу ҳолатни икки маротаба инобатга олиш қонунга зид эканлигидир.

5. Вояга етмаганларнинг жиноятчилигига қарши курашишда жазодан озод қилишнинг айрим турлари жиноий жазога муносиб чора сифатида қаралиши мумкин. Шунинг учун уларни тайинлаш борасидаги суд амалиётини, ҳамда қонун нормаларини такомиллаштириш тўғрисидаги фикр битирув малакавий ишида илгари сурилган.

6. 13 ёшга тўлмаган шахс одам ўлдириш мумкин эмаслигини тушунсада, унинг, айниқса, жазони оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдиришнинг ижтимоий хавфлилигини тўла англашини қатъий таъкидлаб бўлмайди ва фақат жиноят ҳукукий репрессияни кучайтириш билан жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириб бўлмаслиги, жазони кучайтириш жиноятчиликка қарши курашнинг бошқа чораларини излашдан чалғитиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда қонунда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш учун жавобгарликка тортиш ёшини 14 ёш деб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон, 1996
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-5.–Т.: Ўзбекистон, 1997
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т-6.–Т.: Ўзбекистон, 1998
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т-9.–Т.: Ўзбекистон, 2001
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10-Т.: “Ўзбекистон”, 2002
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: “Ўзбекистон”, 2003
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: “Ўзбекистон”, 2004
13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т.: «Ўзбекистон», 2005
15. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: Ўзбекистон, 2007
17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009
20. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс этириш. Тошкент. Ўзбекистон. 2009
21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза).
22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир (2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза).
23. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009
24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010

25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. (2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2011 йил 22 январь. Халқ сўзи. 16-сон.

26. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», 2011

27. Каримов И.А. “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2012 йил 19 январь.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”, 2011.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т., “Адолат”, 2011.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Т., “Адолат”, 2011.

4. Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 7-сон, Т., “Адолат”, 2000.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 2-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 1-жилд.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1 сонли қарори // Тўплам, 2-жилд.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 7-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 20-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарорлари билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги 21-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли ва 2006 йил 3 февралдаги 5-сонли қарори билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) // Тўплам, 1-жилд.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 20-сонли қарори. Тўплам, 1-жилд.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори // Тўплам, 2-жилд. - 192-6.

3. Махсус адабиётлар.

1. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи Курси. 2-том. Т. “Илм Зиё”. 2011.

2. Рустамбоев М.Х. Осуществление правосудия по уголовным делам судами независимого Узбекистана. Тошкент «Ўзбекистан», 1994.

3. Миренский Б.А. Теоретические основы разработки уголовного законодательства. Автореф. док. дисс. М. 1993.

4. Якубов А.С., Кабулов Р. Новое в уголовном законодательстве. - Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 1995.

5. Якубов А.С. Современное понимание уголовной ответственности и её оснований. //Хуқуқ-Право-Lav, 2001, №4, 2002, №1.

6. Деменьтев С.И., Дьяченко Р.А. Трахов А.И. Уголовное наказание: содержание, виды, назначение и исполнение. – Краснодар. 2000.
7. Рустамбаев М.Х., Тохиров Ф., Кодиров А. Обстоятельства, отягчающие наказание в уголовном законодательстве Республики Узбекистан. –Т. Типография фирмы «Нори», 2000.
8. Хамитов Р.Н. Специальные правила назначения наказания. Казань. 2001.
9. Қодиров А. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. -Т.:, «Адолат», 1998.
10. Большой юридический словарь. Под ред. А.Я.Сухарева, В.Д. Зорркина, В.Е. Крутских. - М.: ИНФРА-М, 1998.
11. Российское уголовное право. Общая часть. Учебник. (Под ред. академика Кудряцева В.Н., проф. Наумов А.В.) - М.: СПАРК, 1997.
12. Словарь по уголовному праву.(Отв.ред.проф. Наумов А.В.)- М.: БЕК, 1997.
13. Кругликов А. «О некоторых обстоятельствах, признаваемых при назначении наказания смягчающими». Юстиция, 1998 йил.
14. Назаров М.А. Ограничения назначения наказания в виде лишения свободы. // ТДЮИ мақолалар тўплами. 2005. № 2.
15. Сидоренко Э. Назначение наказания лицам, совершившим преступление в состоянии опьянения. //Ж. Законность. № 11.
16. Рустамбаев М.Х., Тожиев Э. Принципы справедливости и гуманизма уголовного права Узбекистана и их реализация в индивидуализации ответственности и наказания. // Ж. Научные труды академии финансовой полиции. 2002. Вып. 2.

ВЕБ ресурслар:

1. www.супербаза.ру
2. www.сеарч.уз/узбекистан/конституцион/конституционlaw_оне.пхп
3. www.elections.uz
4. WWW.gov.uz